

Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри
Мулоқот учун E-mail: erkinyurt@uzxalqharakati.com

#25 13.04.2012

ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК МЕХНАТ МУҲОЖИРЛАРИГА ЎХХ МУРОЖААТИ



Азиз

Ватандошлар!

Сизлар ишсизликдан, оила боқиш учун турли мамлакатларга чиқиб ишлашга мажбур бўлаёпсизлар. Борган давлатларнинг тили ва қонунларини билмасдан, у ерлардаги оғир шароитлар сабабли турли хил ноҳақликларга ва машаққатларга дучор бўлаёпсиз.

Кун ора ОАВ орқали у бу мамлакатдаги меҳнат муҳожирларини ўтда куйиб ўлгани, сувда чўкиб кетгани ва миллатчилар тарафидан ва бошқа турли сабаблардан ўлгани ва ўлдирилгани ёки ишлаган пулларини ололмай, оч қолаётганларини эшитиб, сиз учун бағримиз ёнмоқда!
Нега сизларнинг ҳақ ҳуқуқларингизни ўзбек режими ҳимоя қилмайди?

Ахир, бу Ўзбек давлатининг вазифаси-ку?! Сизлар жўнатаётган миллионлаб долларлар шу “давлат”, шу режим амалдорларини манфаатига хизмат қилаёпти-ку!

Сизлар ота-онангиз ва оила аҳлингиз билан йиллаб кўришаолмайсиз. Бу бегона элларда фарзандларингиз мактабда илм олиш имкониятидан маҳрум. Келажакдан умидлари узилган. Бутун бу дардларингизга биз шерикмиз. Бу зулмдан қутулишнинг битта йўли унга қарши бош кўтармоқдир. Биз сизларни мавжуд режимга бўйсунмасликка чақирамиз. Бу зolim режимнинг умри тугамоқда. Зулм салтанати ўрнига адолатли эркин жамият қуриш пайти келди. Фарзандларингиз келажаги, бахти учун курашиш пайти етди!

Сафимизга кўшилинг – бу режимни тез орада йикитамиз иншооллох!
Бу режим қуласа, сизлар меҳнат муҳожирли бўлиб юрмайсиз. Сизларни иш ва етарли маош билан таъминлайдиган бир давлат қурилади. Зулмга қарши Халқ Ҳаракатига Кўшилилар!
Сизларни сафимизда қутамиз!

Д.МЕДВЕДЕВ ВА В.ПУТИНГА МУРОЖААТ

Россия президенти Дмитрий Медведевга ва
Ҳукумат раиси Владимир Путинга

МУРОЖААТ

Президент ва Раис жаноблари!
Москвада Качалов бозорида ёниб қул бўлган ўзбеклар тақдири бизни ларзага солди.
Албатта, бу каби фожеъларда аввалам бор ўз халқини бир парча нон топиш илинжида бегона ўлкаларда саргардон кезишга маҳкум этган ўзбек режими айбдор. Аммо бу бизга таскин бермайди.
Бизни қийнаётган саволлардан биттаси шу: ким бу ишчиларнинг устидан қулфлаб кетди ва бундай ваҳшийликка Москвадай шаҳри азимда ким рухсат берди?
Россиядан келатган ўлик муҳожирлар сони кун сайин ошмоқда.
Баъзи давлатлардаги фуқаролар урушида ҳам бу қадар инсон ўлгани йўқ. Россия давлати юксалаётган бу ўлим графигини тушириш учун бирор

чора тадбир олмоқчимиз?
Ўз фуқаролари ҳақ-ҳуқуқларини ўлка ичида топтаётган Ўзбекистон режими бу ҳуқуқларни юрт ташқарисида ҳимоя қилиши хаёлпарастлик албатта.

Аммо демократик жамият қуриш идддаоиси бўлган Россия ҳукумати меҳнат муҳожирлари каби камситилган ва хўрланган бир қатламнинг ҳимояси учун бирор программаси борми?
Качалов бозори фожиаси тақорланмаслиги учун меҳнат муҳожирларини Россия ҳудудларидан қувиб чиқариш билангина ҳал қилиш мумкин эмаслиги кун каби аёндыр.
Россия буюк давлат ва унга ярашадиган иш – ҳудудларида яшаган ҳар кимнинг, ҳатто муҳожирнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, хавфсизлигини таъминлашдир.
Биз Россия Федерацияси давлатидан шуни кутамиз.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати

ЖИНОЙ ИТОАТКОРЛИК ЁКИ “КАРИМОВ КЕТСА БАТТАРИ КЕЛАДИ” ДЕГАНЛАРГА...

Нега миллат, унинг ер ости-ю устки бойликлари, ўттиз миллионлик халқ, ғаддор мустабид ёнаси маҳрига берилган сепга айланди. Нега ҳаммамиз ёппасига бандасига қулликни тан олиб рози бўлдик? Нега “ноумид шайтон” га шогирд тушиб қўйдик?

(Давоми: 2-3-бетларда)

ЕЛЕНА УРЛАЕВАНИНГ ТУРКИЯГА КЕЛГАНИ ҲАҚИДА БИЛДИРИШ

Демак, бу аёлга Тошкент жиннихонасида берилётган дорилар ҳақиқатан ҳам кучли.

(Давоми: 3-бетда)

ЎЗИНГИЗНИ ҚУТҚАРИНГ

Сизлар ўлдирган, ваҳшийларча қийнаган, ёт элларга қувғин қилган қанчадан-қанча инсонларнинг яқинлари сиздан ўч олиш фурсатини кутиб туришибди.

(Давоми: 4-бетда)

ОГОҲ БЎЛИНГИЗКИМ...

Англиянинг “Индепендент” газетаси И.Каримовнинг диктатор-илон эканлигини дунёга жар солиб билдирди. Франция маҳкамаси буни ўз қарори билан тасдиқлади.

(Давоми: 5-бетда)

“КИРИШ МАНЪ ЭТИЛАДИ”

Ўзбекистон фуқароси ўз юртида, милиция, МХХ ходимлари томонидан ўраб олинган ўз уйдан ташқарига чиқолмас, бу қанақа юрт ўзи?

(Давоми: 6-бетда)

ТОШКЕНТ ОСМОНИДА ЯНА ҚОРА БУЛУТЛАР

Метроларда милиция энди тўппонча билан қуролланиб туришибди. Кунора Тошкентда заправкалар портлатилиб турибди. Ака нималар бўляпти ўзи? Тошкент бозорларида одамлар йўқ, расталар бўм-бўш, ҳамма бу ердан чиқиб кетиш орзусида.

(Давоми: 6-бетда)

АНДИЖОН ЗИНДОНИ ҚАЪРИДА КЎРГАНЛАРИМ

Шундай қилиб Андижон зиндонидаги илк зулмлар бошланди: қўл-оёқларим кишанланган ҳолда 5-6 нафар зиндон ходимлари мени кўтариб у девордан бу деворга зарб билан улоқтиришарди ва деворларга урилиб сўнгра ерга қулар эдим.

(Давоми: 12-бетда)

ЖИНОЙ ИТОАТКОРЛИК ЁКИ “КАРИМОВ КЕТСА БАТТАРИ КЕЛАДИ” ДЕГАНЛАРГА...



“хузуринга ҳаммасини қойил қиб келдим” деб бормоқчисиз? Шу алфозда ўлиб бўладими? Йўқ... Дунёдан бунақада ўлиб бўлмайди... Дадамиз раҳматли бир куни нахорги ошга дарвозадан кириб бораётган, юзлаб одам бир-бирларига мулозамат қилаётганига боқиб “Буларнинг сермулозаматлигини кўр.

Башоратга майл-иштиёқ конимизга сут билан кириб сингиган. Миллион аттанг-афсуски аксарият халкимиз “янги ҳукмдор келса қандай бўлади?” деган саволга “бундан баттар бўлади!” дея ноумид башорат қилишади. Бунга асосий сабаб деб “Каримов бўғзигача тўйган, кизи ҳам кекирдагига қадар тўйиб, “каеримдан ёрилай” деб турибди. Бу оилга ёт киши тахтга ўтирса, “оч баччагардан қоч баччагар” замон бўлади. Оч ебтўймас бўккунича, халқ баттар аддои тамом бўлади” дейишади.

Бунақа умид-ишончсиз башорат нега руҳиятимизга обдан ўтириб қолгани ҳақида фикр юрийтишдан аввал, баъзи мулохазалар билан мавзуга ойдинлик киритсак.

Нега миллат, унинг ер ости-ю устки бойликлари, ўттиз миллионлик халқ, ғаддор мустабид энаси маҳрига берилган сепга айланди. Нега ҳаммамиз ёппасига бандасига қулликни тан олиб рози бўлдик? Нега “ноумид шайтон”га шогирд тушиб қўйдик? Қачон “ўзбек эркаги” номида юрганлар лозим юбкаларни ечиб, шим кийиб белбоғ такади? Токайгача эркаклик нафсониятидан, оддий инсоний гурурдан хорлик-хўрлик келтирган тинчликни устун қўямиз?” Токайгача бизни эзишларига қўйиб берамиз... Токайгача чидаймиз... Токайгача... Токайгача...

“Каримов кетса баттари келади” деган башорат шунинг учун ҳам нотўғри-ки, аввало, ноумид бўлиш, башорат қилиш ва зулмкорга итоат этишнинг ўзи гуноҳ. Масжидларда Оллохдан “хузуринга ёруғ юз билан борайлик” деб дуо қиламиз. Бекорларни айтибсиз... Такорлайман бекоргиналарни айтибсиз...

Тепангизда молимардумхўр ғаддор зулм қамчисида аёвсиз қавмингизни тинмай қон оқизгунча дарралаб турса-ю, сиз “ўзим оилам тинч, менга яна нима керак” деган номозхонлар хомтама бўлишмасин. Башорат қилиб эмас Оллох берган зехним билан аниқ айтаманки, Унинг хузурида шу алфозда юзингиз шувут бўлади. Нега-ки золим қанчадан-қанча бегуноҳларни қон-қашатаётганини кўра била туриб, бу ҳам етмагандек динимиз душманини дуо қиласиз. Қайси юз билан қиёмат куни Оллохга

Ошга мунча уюшиб аҳил келишмаса. Бошимизга тушмасин-у, лекин уруш бошланиб, юртга қулфат ёғилса борми, шулардан қанчаси тиркираб қочмасийкин?”

Номозхон биродарлардан бир нарсани сўраб билишни жуда истардим. Оилангизда, зиёфатларда, улфатчилиги турли маросимларда тансиқ таомлар, хил-хил ноз-неъматни “бисмилла” деб тановул қила бошлаганингизда, дини эрки учун курашган ўнминглаб мўмин-мусулмон зиндонларда нима еб кун кўраётган экан деб ҳеч ҳаёлга келтирганмисиз? Айтишга осон, ҳа, ҳа ўн минглаб бегуноҳлар не қўйга тушган. Қўй ёғида дамланган паловларни чойхонада паққос тушираётган улфатлар-чи, қишда совуқ зах. Ёзда иссиқ ҳавосиз дим камераларда оч-ялонғоч, эти устухонига ёпишиб қуруқ суяги қолган, сил касалидан қон тупуриб ётган биродарларингиз, жигарларингизни кўз олдингизга келтирганмисиз? Ҳа келтиргансиз... Ошга бўкиб тўйгач, хингир-хингир гаплар айтишиб, эзмаланишга бошқа мавзу қолмагач, икки-уч кекириб “жияним тўққиз йилдан бери 159 билан ўтирибди... Аҳмоқ...” деб тўсатдан хотирлаб қоласиз. Ўшанда юзингизга шундай тус берасиз-ки, гўё жигарингиз зиндонда экани, сизни хотиржам маишатдан ҳаёлингизни безовта қилгани учун аслида ундан қаттиқ ранжийсиз. Ўзингизни жигарпарвар кўрсатиб “сиқилиб кетдим. Онасини эмсин яна элликта куй-е...” деб қўясиз. Бунақа улфатга Оллохнинг лаънати ёғилмасмикин? Шошмай туринг, қиёматда битта қўймай ҳаммангизга Ўзи 159 ни қўяди. Тўғри ҳаммангиз гўри бошқа. Эчки ҳам қўй ҳам оёғидан осилади. Омонат дунёда қўй бўлиб осилиб туринг-чи, “нариги маҳаллага” ўтгач эчки бўб осиласиз. Негалиги аниқ... Чунки сиз каби лоқайд ва куёнораклар қасрига миллат шу фожеаларга гирифтор бўлди.

Кимдир сиз қабиларга “қачонгача зулмга чидайсиз” деса, дарров уни ношукурликда айблайсиз. Ношукурлик билан зулмга қаршилиқ орасидаги фарқни шу чоққача фарқлай олмадингиз-ку... “Ким эдик, ким бўлдик?” деб нега ўзингизга савол бермайсиз? Не кўргилик-ки,

юрраксизликдан бу саволни ҳатто ўзингизга беришга ҳам ҳаддингиз сифмайди. Ҳиёл ўқтам фикр юрийтишга-ям ожизсиз. Буларнинг бари миллатга, ватанга, дини-диёнатга бўлган жинойи бепарволик, нафрат кўзгоччи кўрқоклик эмасми? Золимга итоаткор бўлишнинг ўзи жиноят-ку... Агар адолатпарвар ҳукумат қудратга келса Жиноят Кодексига албатта “жинойи итоаткорлик”, “кўрқоклик” деган айблов моддалар киритиш зарур. Адашмасам бунақа квалификацияли жинойи модда қонунда ёзилмаган бўлса-да, зеро мазкур жиноят ялпи халқ тарафидан содир этилаётган экан, бутун мамлакат худуди кўринмас қамқоҳонага айланган. Демак, давлатни ноқонуний эгаллаб турганлар ёнлигидан ҳеч нима сарфламай, сопини ўзингиздан чиқаришган. Яъни содир этилган жинойи қилмиш учун жазо ҳукми ўқиб, ҳукм ижро этилган. Жазони эса Ўзбекистон худуди аталмиш манзил колониясида ўташ белгиланган.

“Каримов кетса” деган гапга келсак... Аввало бу оқпадар кетсин... Иккинчидан, умид қиламан-ки, зулмдан ўлар ҳолга келган миллатга Оллох яна бошқа зулмқорни йўлатмаса керак. Қочонлардир очликдан Ўзбекистонга тирик қолиш учун минг-минглаб қозоқ ёпирилиб келганди (ўттиз иккинчи йил қаҳатчилигини назарда тутяпман) “Бефаҳм қозоқ” деб уларни ярим асир ерга урдик. Эндиги аҳволни эса кўз-қулоқларингиз билан кўриб эшитиб турибсиз. Бу ҳақиқатни ёзиш, англаш қанчалик оғир бўлса-да, афсус ўзбекни дунёга пардек тўзиб қул тушгани оддий ҳақиқатга айланди. Ўзга миллатга паст назарда қарамаслик керак экан-а... Янги ҳукуматга келадиганлар Иншооллох миллатнинг асл фарздалари бўлган қувғин қилинган, зиндонларда ўлим билан жон олишиб ётган жувонмард инсонлардир. Шундай кишилар эканига шаксиз ишонаман. Яъни уларнинг Оллохга, Ватанга, миллатга бўлган мухаббатлари, инсонийлик, адолатпарварликка бўлган муносабатлари бизга қиёсан мутлақо ўзгача. Уларнинг нафси учун кўп нарса керак эмас. Улар миллатни миллатдек, умматни умматдек бўлиши, юртида адолат ҳукм суришини исташади. Барча амаллари Оллох розилигини олиш учун бўлади. Бизга ўхшаб беш қулик дунёнинг ўтқинчи ҳою-ҳовосига алданмайдилар. Тўймас нафсга ҳеч қачон қул бўлмайдилар. Чунки улар юртдан айрилиқда Ватан тупроғи азиз эканини барчамиздан кўра тасаввуримизга сизмас даража кучли ҳис этадилар. Оллох ато этган адолатга мухаббат туйғуси ва узок вақт Ватандан қувғинлик изтироби уларни янада тоблади.

(Давоми кейинги бетда)

ЖИНОЙ ИТОАТКОРЛИК ЁКИ “КАРИМОВ КЕТСА БАТТАРИ КЕЛАДИ” ДЕГАНЛАРГА...

(Давоми: боши олдинги бетда)

Бундай инсонлар иқтидорга келса, Оллох бизни қай миллатдан кам қилади? Хукмдори эса халқи тўқ бўлса тўқ, оч бўлса оч яшайдиган бўлади. Акси бўлиб охироти куйишига зинхор йўл қўймайди.

Айтишингиз мумкин, ”иктисод кетига аллақачон ўтирган бўлса. Миллат бойлиги талон-тарож қилиб бўлинган. Давлат ғазнаси шипшийдон қуриган. Энди нимаям қолди. Муҳолифат истаган зот ҳокимиятга келди ҳам дейлик, хўш у нима каромат кўрсатарди?” деган тайинли савол беришингиз маълум.

Бунга қисқа жавоб шу. Аввало, соддагина қилиб айтсак, ўрини ўрнига тўғри келади. Халқимизда “подшоҳинг қарға бўлса, емишинг гўнг бўлади” нақли бор. Агар-ки тахтга қарғами, тулкими ё каламуш эмас арслон келса, ишлар ҳам шунга яраша бўлади. Агар тахтга муносиби келса унинг шахсиятининг ўзи кўп нарсани хал этати.

У ўзига яраша халол диёнатли тўғрисиўз инсонларни атрофига тўплайди. Ўзини яхши кўрсатиб бировни-бирова ёмонлаб бошни-бошга уриштириб юборадиган, бошқа давлатларга ҳам ўша қилиғини кўрсатиб алдаб чалиб юрадиган маккор ҳукмдор ўрнига, юрт ичкарасида ҳам ташқарисида ҳам одилонга сиёсат юритиб, фуқароларни ҳам қўшни давлат раҳбарларини ҳам меҳр ишончини қозона оладиган, давлат бойлиғини асраб авайлаб жой-жойига қўйиб, чет эл сармоядорларидан қанча-қанчаси қайтариб олмаслик шартлари билан маблағ ажратади. Қушни мамлакатлар бир-бирини алдаш доғда қолдириш пайида эмас баҳамжиҳат ишлаш бошлашади. Мухими ғоявий этикод маънавий мафкуравий ишлар ровон йўлга қўйилади. Фуқароларнинг кориндош-уруғи, кўни қўшиллар ва барчага бўлган муносабатларида меҳр-оқибат, мурувват бўлишида давлат раҳбарининг роли қандай аҳамиятга эга эканини бугун билиб турибмиз. Ҳазина ўғрилари ўмарган миллиардлаб пул ва қимматбаҳо мулклар юртга қайтарилади.

Панжаралар тўсиқлар олиб ташланади. Тўсилган йўллар, чегаралар очилади. Тутқинлар озод этилади. Аламзадалиқ торфёшлик ўрнини бағрикенглик эгаллайди...

Ватандошлар!!! Келинг... Зулмга қарши ялпи туришини ўйлаб кўрайлик. Бир марта уринайлик. Наҳотки хур, одил юрт эгалари бўлишни истамасангиз?

Умр ўтиб кетяпти. Оптимиздан келажак авлод етишиб етиб келмоқда. Ахир “фарзандларим нима кўрди?” деб ўзингизга аёвсиз савол бера оласиз-ку.

Мардумий

ЕЛЕНА УРЛАЕВАНИНГ ТУРКИЯГА КЕЛГНИ ҲАҚИДА БИЛДИРИШ



Бу баёнотда инсон ҳақлари ҳимоячиси Елена Урлаеванинг Туркияга келгани хусусида – ҳеч бир йўрим ва ёки шарҳсиз – кўрганларим қандай бўлса, шундай келтирмоқчиман.

У Туркияга озгина дам олиш ва соғлиғини тиклаш ниятида ташриф буюрганди. Айти пайтда инсон ҳақлари ҳимоячилари билан ҳам кўришиш режаси бор эди.

Кўришганимизда у сўзма-сўз шундай деди: “Яхшиям-ки, бу ерга келдим, акс ҳолда мен портлаш чегарасига келиб қолгандим”

Унинг ҳатти-ҳаракатидан Истанбулда бахтиёр эканлигини кўрдик ва у ўз кайфиятини шу сўзлар билан ифодалади: “Мен ҳайратдаман, бу ерда нақадар яхши! Инсонларнинг бир-бирига муносабати нақадар гўзал! Улар нақадар сертакаллуф, мулойим! Бир-бирига жон-дили билан хизмат қилишади! Сизнинг оилангиз аъзолари орасидаги муносабатлар нақадар гўзал!” ва ҳоказо.

Урлаева Истанбулда тўлиқ 3 кун ўтказди.

Менинг оилам у билан шаҳарга чиқиб, унга ва унинг яқинларига совға ва кийим-кечак олиб берди. Урлаева “Пикет пайтида милиция ва ёлланма хотинлар ҳужумидан сақланишда қулай бўлиши учун пошнаси баланд бўлмаган поайфзал ва шим лозим”лиги айтганда, биз кулишган ҳам эдик.

Биз оиламиз билан тоталитар давлат режимнинг қурбони ва инсон ҳақлари қурашчиси саналган бу аёлга ёрдамимиз тегаётганидан бахтиёр эдик. Урлаеванинг буйраги касал экан, менинг рафиқам (муқобил тибб мутахассиси) унга даволаниш дастури ёзишга ваъда берди. Урлаева ўзига кўрсатилаётган самимият ва эътибордан ғоят мамнун эди.

Бундан икки ой аввал бошқа бир таниқли инсон ҳақлари ҳимоячиси Мўътабар Тожибоева ҳам Туркияга келиб, менинг аёлимдан тиббий ёрдам олган эди, яъни биз Урлаеванинг ташрифидан бирор бир фавқуллодлик кўрмагандик ва унга қўлимиздан келган барча ёрдамни кўрсатдик.

Урлаева Тошкентга жўнашидан бир кун олдин мусулмонликни қабул қилишга қарор қилганини айтиб қолди. Ва унга мос мусулмон исм тақлиф қилишимизни сўради. Мен бу ишда исмнинг аҳамияти йўқлигини айтдим.

Кейин у Тошкентга бориб, Мария исми унга яқин ва ёкишини ёзди.

Уни ҳеч ким – на мен, на яқинларим, на-да Урлаева бу ерда танишган инсонлар – мусулмонликка даъват этишмади.

Тошкентга қайтар экан, Урлаева йиғлади ва айнан шу сўзларни айтди: “Бу ерда яхши... Мен эса жаҳаннамга қайтиб кетмоқдаман”. Биз бу аёлга чин юракдан ачиндик ва унинг учун қайғурдик.

Тошкентга боргандан уч кун сўнгра Урлаева бизга шу қисқа хатни ёзди: “Ассалому алайкум, менга Мария исми яқин ва у менга ёқади. Сизлар биласизлар, менинг қаерда эканлигим ва кимлар билан яшаётганимни. Аммо Оллоҳга шукур, улар аллақачон ўз сўнгини ва мендаги ўзгаришни сезишди. Мен ҳаммасини бажаришим керак, Ахтам ва Василийга ва уларнинг болаларига ёрдам беришим керак. Менга яна ҳамма нарса худди аввалгидай яна кўрина ва очила бошлади, аммо ўшанда психбольницага тушгандим. Мен сизларни жуда севаман. Сизнинг Мария” (Сўзма-сўз таржима – М.С.)

Ва бу хат олингандан бир кун сўнгра Урлаеванинг руҳий касалхонга ташлангани ҳақда хабар келди.

Энди менга Тошкентдаги инсон ҳақлари ҳимоячилари “Урлаева Туркияда экан, уни катакомбага қамаб, қандайдир дори беришганини айтмоқда” дея хабар беришмоқда.

Урлаева Туркияда менинг уйимда яшади. Агар унга менинг уйим энди “катакомба” бўлиб қуринаётган бўлса, менинг айтадиган гапим йўқ.

Демак, бу аёлга Тошкент жиннихонасида берилаётган дорилар ҳақиқатан ҳам кучли.

Муҳаммад Солиҳ



Сиз каби катта охурда емланган, узок вақт катта мавкеларга эга бўлган миллат кушандаларига гап уқтириш тентаклик бўлса-да бир уриниб кўрмоқчиман. Газанда бўлсангиз-да, булар энди ўтмишда қолди. Ҳозир нималар ҳақида ўйлаяпсиз? Миллатга қилган рецедив жинойтларингиздан пушаймонмисиз, йўқми?

Ўтмишингизни минг афсуслар билан хотирага олиб, тавба-ю истиғфор айтяпсизми ё “аввалги жойимга қайтиш имкони бўлганида яна ўшандай ишлардим” деган даббанинг кушанда ҳаёлидамисиз? Шуларни билишга негадир жуда қизиқапман. “Мени ўрнимда бўлганингизда ахволингизни ўшанда кўрардим” деманг. Ўрнингизда бўлишдан Парвардигорнинг ўзи асрасин. Меҳрибонлигидан ўз ўрнимга лойик кўрибди Алхамдулиллох. Шаънингизга айтиладиган энг ифлос ҳақоротлар ҳам сизга хайф бўлса-да, бундан ўзимни тияйин-да, таклифга ўтай.

Сизга бу таклифни қилишга зарра бўлса-да, асосим бор шекилли деб ўйлайман. Чунки афтингиздан ҳали у даража разил, палид, тубан, маразга кишига ўхшамайсиз. Ҳа, фақат сиртингиз ўхшамайди холос... Чунки бетингизга қараган киши “Нахотки бу “одам” юртига шунча офат-қайғу келтирган бўлса? Башараси бинойидек-ку!” дейиши аниқ. Тўғри, анавиларга қараганда, юзингизда аллақандай меҳр, нур ва олийжаноблик аломатлари аниқ сезилиб туради. Шундай экан, Аллоҳ суратингиздаги файздан ҳали махрум этмаган чоғи. Балки яширинча ибодатга кириб, туну-кун Аллоҳнинг тоати ибодатида бўлсангиз ҳам, таажжубда қолмайман. Ва албатта қийналган бева-бечораларга, етимларга хайру-эхсон қилаётган бўлишингиз ҳам мумкин. Бу заррача ажабланарли ҳол эмас. Сабаби тушунарли. Аллоҳ гуноҳларингиздан ўтишини истайсиз. Агар-ки шу ҳолатда бўлсангиз, агар-ки Аллоҳнинг раҳми келиб сизга товба қилиш неъматини ҳады этган бўлса, унда сиз билан гаплашасак бўлади, сабаби, мансабдан кетиб хасталикка дучор бўлгач шулар ҳақида бафуржа ҳар тарафлама чуқур ўйлаш имконига эга бўлгансиз.

ЎЗИНГИЗНИ ҚУТҚАРИНГ

Сиз билан асл нажот йўли ҳақида иймонлашасак бўлар... Нажот топиш имкони нафақат сизда ҳатто сизни шу кўйга солган зотда ҳам бор. Афсуски у нажот топишни истамайди. Яна-да аниқроғи, нажот топиш истагидан шу чокка қадар махрум этилган.

Сиз эса умид қиламанки истайсиз. Лекин сиз содир этган гуноҳи кабираларни кечирилиши учун, ҳеч бўлмаса гуноҳларингизга нисбатан пропорционал эквивалент яқинроқ керак бўлади. Чунки аввал одам ўлдириб, сўнг етимга ҳады берган билан гуноҳ кечирилиб қолмайдик. Сиз каби минглаб одамларни нобуд қилган, ўнминглаб одамларни вахшийларча қийноққа солганлар гуноҳи ювилиши учун қандай савоб орқали мағфират қилиниши мумкинлиги ҳақида муқим ўйлаб кўрадиган фурсат келмадимикин?” Гуноҳимнинг каффорати қандай бўлади?” деган ният туғилса, унинг йўли битта... Ўзингиз ҳаммуаллифликда ясаган зулм машинасини бузши. Бузибгина қолмай, яқсон қилиш. Агар шу ният кўнглингиз тубида яширин этган бўлса, амалга ошириш фурсати етди. Буни қайси йўл билан бажарасиз, ўзингиз биласиз. Муҳими истак, асосийси нажот топишга бўлган интилиш... Қаттол ҳукмдор сизни ҳозирга қадар тирик кўйган экан, демак сиздан хайиқақдиган жойи бор. Унга қарши фош этув далил хужжатларингиз етарлидан ортиқ эканига шубҳа йўқ. Бундан ташқари сиз унинг заиф, қалтис томонларини ва қайси хуфя жинойи ишларидан зир кўрқилини жуда яқин биласиз. Ўз вақтида қанчадан қанча шогирдлар, ошна-оғайнилар, қориндош-у таниш билишларингизни обдан қўллаб яқши ишларга қўйган жойлаштиргансиз. Улар орасида ҳам дами ичида юрган иймонли кишилар йўқ эмас. Ниҳоят қандай қилса уни йўқ қилиш имкониятлари борлигини билмаслигингиз мумкинмас. Ва унга қарши турганларга (кланларни эмас халқ қасоскорларини назарда тутяпман) қандай ёрдам қилиш йўлини ҳам ўйлаб кўришингиз шарт. Таклифни ўқиётми балки мийиғида кулаётгандирсиз. Илжайманг... Ўнчалик энса қотар нарса ёзаётганим йўқ. Қолаверса сиз тортиладиган, ўзингиз ўта хавфда бўлган жазо кунига унча узок пайт қолмади. Сиз бундан-да ортиқ хавфланишингиз керак бўлган жазолар бор. Йўқ, сизни қиёмат куни билан кўрқитмоқчи эмасман. Чунки Аллоҳ хузурида савоб-жавоб бўлишига бешак ишонганингизда, шунча пайт мустабиднинг энг суюкли, энг суйган, энг суйкалган кўппагига айланмасдингиз.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз... Нима учун Аллоҳ сиз ва Анвар қори кабираларни ҳануз минг балога гирифтор қилмаган? Буни оми тушунчам билан иккита сабабдан кўраман. Аввало гуноҳларингизни ювиш учун сизларга имконият бераётгани, иккинчиси эса мавриди келганда тириклик чоғингиздаёқ ибрат сифатида эл-юрт олдида ўта шармисор қилмоқчи.

Сизлар ўлдирган, сизлар вахшийларча қийнаган, сизлар ёт элларга қувғин қилган қанчадан-қанча бебаҳо асл инсонларнинг яқинлари сиздан ўч олиш фурсатини кутиб туришибди. (Интернетдан албатта “Халқ нидоси” фильмини юклаб олиб кўришни тавсия этаман) Ўч олганда ҳам ўн минглаб жабрдийда аламзадалар орасида, жазодан аввал ўлиб-негиб қолсангиз “бешиқда ётган неварасигача қираман” деган ўзингиз каби жоҳиллар топилмайди дейсизми? Ўғлингизни “игнага ўтирган” деб эшитганман. Бу ҳам сизга шармандали жазолардан бир қатра. Агар ҳалол ризқ билан фарзанд ўстирганингизда шу кўйга тушармидингиз. Нахотки шуларни ўйлаб кўрқмасангиз. Ахир инсон боласидан тарқанганмисиз? Сизни ҳам она тукқанми? Элнинг оғир-оғир лаънатларидан қачон дахшатга тушасиз? Шуни ҳам унутмангки хокимиятга ким келишидан қатъий назар шу кунга қадар давлат томонидан қандай жинойтлар содир этилган бўлса бунга қидириб топиладиган дастлабки айбдор, аввали нишон ва биринчи хўрак ўзингиз бўласиз. Сизни эса фақат халқ ҳимоя қила олиши мумкин, агар Раббим хоҳласа. Шундай бўлгач бу миллатни халқ бўлишига хисса қўшинг. Ўзингизни, аслингизни, наслингизни қутқарадиган фурсат тугаб бораётганини унутманг. Қўмак бермасангиз-да ИншоАллоҳ зулм барибир тугатилади. Агар-ки иштирокингиз сабаб зулм икки соат аввал тугаса, ёки сиз туфайли янги қурбонлар битта камайса, шу амалингизнинг ўзи гуноҳингиз кечирилишига балки каффорат(гаров) бўлар... .

Бундан анча йиллар аввал золимни кишанлаб, миллат қахрамони бўлиш таклифни сизга берганларида, бу имкониятнинг бой бергансиз. Энди эса имкониятнинг жуда оз. Лекин оз бўлсада йўқ эмас. Танланг... Ё сўнгги имкониятни қўлдан чиқармайсиз... Ёинки... Қасос куни жуда яқин... Буни золимнинг хизматида юрган бошқа қалби ожиз-у қарқулоқлар ҳам билиб қўйсин... .



Бутун мавжудотларда бўлгани каби инсонда ҳам, илонда ҳам яшаш иштиёқи жуда кучлидир. Инсон агар имкони бўлса, минг йил яшашни орзу қилади. Худди шундай инсон ичида илон саналадиган золимлар ҳам. Ўзбекистондаги Ислон Каримов диктатураси (илон тузуми) ҳам ўзининг ҳаётини узайтириш учун саъйи ҳаракатларини бошлаб юборгани халқимизнинг тараққийпарвар вакилларига жуда яхши маълум. Қўлтиғидан тушса кўнжигига, деганларидек бутун золимлар каби Ислон Каримов ҳам ўз тахтига ҳаёсиз кизи Гулнорани ўтиртириш компаниясини бошлатди. Тахтининг отада болага (қизига) ўтиш жараёни ниҳоятда эҳтиёткорлик, айтиш мумкинки илонларга хос силлиқлик билан олиб борилмоқда. Аввал Гулнорани оламга машҳур қилиш учун компания бошлатилди. Дунёдаги бору йўқ истеъдодлар ва лавозимлар, масхарабознинг юзига пахта ёпиштирилгани каби, унинг ҳамма томонига ёпиштирилди. Бунга кўра Гулнора (аслида Пулнора) истеъдодли шоир, санъаткор, модачи (модалогикада шубҳа йўқ), профессор, дипломат, сиёсатчи, тадбиркор, яхшилик қилишни севадиган (Ҳотамой) сифатида кўрсатилди. Буларнинг барчасининг ёлғон эканлигини, отаси диктатор Каримов ва унинг лаганбордорларининг пуфлаши билан “ясалгани” асл ҳақиқатдир. Булар етмагандай Гулнора ўзининг ўзбек кизи эканлигини исботлаш учун атлас лозимни кўйлаксиз қийиб, халқнинг кўнглини “олишга” уринди...

Мана бир ойдики, Ўзбекистонда Пулноранинг машҳур тўйлари бўлиб ўтмоқда. Диктатор-илон минг болакайнинг суннат ва минг келин-куёвнинг никоҳ тўйини ўтказиб бериш билан ўзбек халқи ичида қизининг машҳурлигини ортиришни кўзлагани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Хўп, илон илонда, унинг вазифаси қақиш экан.

Аммо ақлли кишилар ўзларини бундай илонга бир марта (тасодифан) чақтиришлари мумкин. Аммо халқимизнинг ичида шундай кўрлар борки, улар илон чаққан тешикка яна

ОГОҲ БЎЛИНГИЗКИМ...

бармоқларини ва ҳатто юзларини яқинлаштирмоқдалар. Яъни, Ислон Каримовни тахтга авайлаб-эъзозлаб ўтиртганлар, кейин унинг зулмидан ўзлари учун сичконнинг ини минг тангга айланганлар, яна бундан 20 йил олдинги қилган хатоларини такрорламоқдалар. Яъни, улар “тўғри, тўғри Ислон акамиз яхши Президент, бахтимизга омон бўлсин, замон эса кизи Пулнора давр сурадиган замон бўлсин, дея” олқишлар тутмоқдалар...

Куни кеча Англиянинг Индицент газетаси (independent.co.uk) Ислон Каримовнинг диктатор-илон эканлигини дунёга жар солиб билдирди. Франция маҳкамаси буни ўз қарори билан тасдиқлади. Хуллас, ахли дунё Ўзбекистон диктаторида ҳам, унинг ҳаёсиз қизиди ҳам инсоф, деган нарсанинг ўзи йўқлигини яхши билди, билмоқда...

Аҳвол шу экан, ота “илоннинг” тахтига киз “илоннинг” ўтиришига хизмат қилишнинг кимга кераги бор?. Инсоннинг ўзи қул бўлиб яшаган экан, энди бола-чақасини ҳам қул қилишдан муроди нима? Ахир ота диктатор ўзингизнинг елкангизга чиқиб, бошингизни янчди, аммо унинг ўрнини қизининг олиши севиб, хидлаб тўймайдиган болаларингизнинг, невараларингизнинг қул бўлишига олиб келишини наҳот тушунмайсиз? Ҳеч қурмаса ўз фарзандларингизга жонингиз ачисин, эй гофил инсонлар? Ким булар Ислон Каримовнинг тахтига кизи Гулнорани (Пулнорани) ўтиртириб, ўзи қул бўлгани етмагандек энди бола-чақасини ҳам қулликка тайёрлаётганлар?

Мана бир неча мисол: Исмаил Хушев, ёзувчи, ўзининг таъбири билан айтганда диктатор Каримовнинг эркатойи. У интернет саҳифасида “Ип кўлингиздаси Ислон ака”, дея мактуб ёзди ва диктаторни устоз, ўзини эса унинг шогирди, деб атади. Яъни, сиз зулм қилишни менга ўргатдингиз, ташаккурлар Президент жаноблари, демоқчи бўлди. Исмаил Хушев “йўқ, йўқ, ундай эмас, мен аслида МХХ Раиси Рустам Иноятовнинг соғлиғи ва тақдири ҳақида қайғуриб, бу мактубни ёзганман”, дея узр айтиши ҳам мумкин. Бу ҳолда унинг узри гуноҳидан баттар бўлади. Чунки Ўзбекистонда МХХ диктатор Каримовнинг ўлим машинаси родини ўйнашини ҳаммадан олдин Исмаил Хушевнинг ўзи билади...

“Озодлик” радиосининг интернет саҳифасини бу кунларда очганлар “Дилором Сайдаминова: “Гулнора (Каримова) таланти киз” номли катта сарлавҳага кўзлари тушади. Дилором хоним санъат намоёниси экан. Бу мақолада шоир Усмон Азимнинг Гулноранинг (Пулноранинг) ўз шеърларини қўшиқ қилиб айтаётганидан ифтихор қилиши айрилган. Хуллас, ўзи қул бўлгани

етмагандай, бола-чақасининг ҳам қул бўлиш қолишини орзу қилаётганларнинг рўйхати узундан узундир. Бу рўйхатнинг бошида албатта диктатор Каримовнинг лаганбордорлари туради. Ундан кейин бу рўйхатда туттуруғи бўлмаган ёзувчи ва шиорлар, санъаткорлар ва ҳатто аввалги вазифаси зулмга қарши туриш бўлишига қарамай, унга кўз юмадиган, дабдаба ва саройдаги мақомни имону эътиқодидан устун кўрадиган “уламо”лар ҳам топилади. Шундайлардан бирига Ўзбекистон радио каналларида “хутба” қилиш имкони қайта берилганини интернет саҳифаларидан бирида ўқиб ўргандик. Асл уламолар Ислон Каримовнинг зиндонларида ваҳшийларча қийноққа солинар экан, ватанимизда ва хорижда уларнинг жонига қасд қилинар экан, диктаторнинг саройида уламо бўлишни ўзига раво кўраётганларни бизнинг Аллоҳ таолонинг иродасига топширишдан бошқа чорамиз йўқдир...

Бу мақолани диктатор Каримовнинг бу ерда исми келтирилган ва келтирилмаган қулларини, ўзлари қул бўлганликлари етмагандай бола-чақаларини ҳам диктаторнинг эркатойи қизига қул бўлишига тайёрлаётганларни огохлантириш учун ёздик. Бу мақола сизлар каби қулдорлик тузуми тарафдорларининг қалбига (агар қалбингиз аллақачон ўлмаган бўлса) балки ўткир пичоқ каби санчилиши мумкин. Аммо бу сизнинг сабоқ олишингиз учундир. Қуллик йўлидан қайтсангиз қайтдингиз, акс ҳолда биз сизни огохлантириш вазифамизни бажардик...

Диктатор Каримов ўз тахтини кизи Пулнорага бериш жараёнини бошлатган бу кунларда халқимизнинг маърифатпарвар, тараққиёт тарафдори фарзандлари ҳам қўл қовуштириб ўтирмаётганларини таъкилаб ўтмоқчи эдик. Бу аввало умрини адолат йўлига бағишлаган хурматли оксоқолларимиз шоир Шукрулло домла, профессор Отаназар Орипов, ҳуқуқ ҳимоячиси Толиб Ёқубов, кекса сиёсатчи Алибой ака Йўляхши, умрини ва ижодини зулмга қарши курашишга бағишлаган шоир ва сиёсатчи Муҳаммад Солиҳ... Адолат тарафида турганларнинг рўйхатини яна давом эттиришимиз мумкин эди. Аммо ота-қиз диктатор-илонлар бу адолатпарварларнинг ёқасига ёпишмасин, дея уларнинг исми шарифини зикр қилишдан ўзимизни тиймоқдамиз.

Исми келтирилган мухтарам зотларнинг эса кўрмаган зулмлари қолмаган. Уларнинг исми айтилиши билан золим диктатор ва қизининг жони чиқиб кетишини биз яхши биламиз. Кошки бу мухтарам номларни яна бир марта эшитиш билан бу ота-қиз золимларнинг жони тамоман чиқиб, халқимиз улардан бутундай кутулса...

Йўлдош Абдулла ўғли

“КИРИШ МАНЪ ЭТИЛАДИ”

Мустақилликнинг илк йилларида Самарқанд шаҳри ва вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратурасига, Ички ишлар бошқармасига, Миллий хавфсизлик хизматига қарашли барча бинолар, ҳамда Самарқанд аэропорти ўтиб бўлмас темир панжаралар билан ўраб олинган ва куч ишлатар тизимлари томонидан қаттиқ назорат қилинар эди.

Яқинда Тошкентга билет олиш учун темир йўл вокзалига бордим. Не ажабки, вокзал биносининг икки чеккасида милиция постлари ўрнатилиб, атрофи ҳам ўшандай темир панжаралар билан ўраб олинбди.

Бундай манзарани кўриб бироз гарангсираб тургач, поездга чиптани қаердан олишим мумкинлигини сўраш учун, постларнинг бирига яқинлашдим. Ўз навбатида мени кузатиб турган, қуролланган милиция ходими менга рўбарў чиқиб келди ва хушмуомалалик билан салом бергач: “Отахон, хизмат?”, деди. Мен ҳам унга салом бериб, қаердан чипта олишим мумкинлигини сўрадим.

У вокзал биносининг кунчиқар тарафини кўрсатаркан, бу тарафда кўп турмаслигимни тайинлади. Чоғроққина чипта сотиш биносида сўраб-суриштириб, вокзал хизматчиларининг биридан йўловчини вокзал ҳудудига кириши поезд келишидан ўн-ўн беш дақиқа олдин милиция назоратидан ўтгандан кейин мумкинлигини, агарда йўловчи эртароқ, айтайлик, бир соат олдин келса, у ўзи чиқадиган поездни, жазирама иссиқми, қаҳратон қишми, вокзал ташқарисида кутишини билиб олгач, шаҳардан анча олисда яшашим сабаб, бундай хизмат менга тўғри келмаслигини англаб, поездга чиқишдан воз кечдим ва ортга қайтдим.

Ҳақли савол туғилади, Ўзбекистон фуқароси ўз юртида дарди, муаммоси билан ҳокимият, прокуратура, ички ишлар, Миллий Хавфсизлик Хизмати идораларига бемалол, тўсиқларсиз кириб мурожаат қилолмаса, Ўзбекистон фуқароси ўз юртида йўловчи сифатида сал олдинроқ келиб, темир йўл вокзали бўладими ёки аэропортнингми кутиш залида ўзи чиқадиган поезд ёхуд учқични бемалол кута олмаса, Ўзбекистон фуқароси ўз юртида, айтайлик, “юртбоши”си Самарқандга келганда милиция, МХХ ходимлари томонидан ўраб олинган ўз уйдан ташқарига чиқолмаса, бу қанақа юрт ўзи?

Эгамкул Худойберди

ТОШКЕНТ ОСМОНИДА ЯНА ҚОРА БУЛУТЛАР



Ватандош суҳбатдошим ўзи ёш талаба бўлсамда, мен билан интернет орқали танишиб, бир йиллик доимий суҳбатларимиз сабабли мен билан ака-сингил каби гаплашади.

У оврупа яшаш шароитлари билан қизикади ва кўпдан кўп саволлар беради.

Ўз навбатида мен у орқали ватанимдаги янгиликлар билан танишиб тураман.

Бу ердаги яшаш шарт шароитлар ва ижтимоий таъминотлар, табиатни муҳофиза қилиш каби қонуларни сўзлаб берсам, авваллари мен билан мурасасиз тортишувларга киришиб кетарди.

Баъзи баъзида эса менга сизлар ватанни ташлаб кетиб, чет элда яшайсизлар деган таъналарни ҳам айтиб қолар сўнг яна, “Э ака, узр мен кизишиб кетдим. Сиздаги ватан туйғунингиз кучли эканлигини биламан”, деб кечирим ҳам сўраб қоларди.

Мен унга Ўзбекистонда чеклов қўйилган сайтларда ёзиладиган мақолаларни почтасига юбориб, таништириб тураман.

Янги иш бошлаганлигим сабабли икки ҳафтача у билан алоқага чиқа олмадим. Шу икки ҳафта мобайнида эса бир неча маротаба у алоқага чиқинг ака деб мурожаат қилди.

Бугун имкон туғилиб эрта тонгда суҳбатлашдим, хайронлигим бир неча бор ошди ва шу суҳбат асосида ушбу жумлаларни қоғозга тушуришга ҳаракат қилдим.

“Ака, мен ўқийдиган Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети ҳамда Дипломатия ва жаҳон иқтисодиёти университети, Тошкент давлат Техника университетларида МХХ ходимлари иштрокида янги кинофилм кўрсатишди.

Филм тўғридан тўғри сизлар ҳақингизда бўлди, яъни сизни раисингиз ҳақида ва сиз менинг почтамга ташлаган Обидхон қори Назаров тўғрисида.

Мен бу филмни кўриб хайрон қолдим, сизни менга жўнатган мақолаларингизда, Қори ака комада ётганлари билан танишганман. Бу филмда эса қори ақани Швецияда яшаб туриб, Ўзбекистонда террористик гуруҳларни тайёрлайди деб айтишди. Ундан ташқари бир неча соқоли ёш йигитлар “кечирим сўраймиз халқдан шу оқимга кўшилиб қолганимиз учун” деб ҳам гапиришганини кўрсатишди.

Сиз ва сизнинг раисингиз чет элда яшайдиган ватан хоинларидан ҳаракат ташкил этиб Ўзбекистонни қонуний ҳукуматига қарши кураш эълон қилганмишсизлар.

Ака, бизда нималар бўлаётганини ёзсам ишонмайсиз, бир ҳафта бурун менинг бир танишим “Қозоғистонга бориб келишим керак, акангдан илтимос қил чегарага чиқариб қўйсин” деб қолди.

Мен акам билан танишимни Қозоғистон чегарасига Чернаевкага оборишга келишдим. У ердаги чегарадан чиқиб кетиш учун навбатга турганларни кўриб оғзим очилиб қолди, ака ёзсам ишонмайсиз, мен бунақасини 41 йилдаги уруш ҳақидаги киноларда кўрганман.

Эшитишимча ОВИР бундан кейин ҳеч кимга чет элга чиқишга рухсат бермасмиш.

Метроларда турадиган милиция ходимлари энди тўппонча билан қуролланиб туришибти. Ҳар куни бўлмасада, кун ора Тошкентда заправкалар портлатилиб турибти. Ака нималар бўляпти ўзи Тошкент бозорларида одамлар йўқ, расталар бўм-бўш, ҳамма бу ердан чиқиб кетиш орзусида.

Ака менимча яна дўппи тор келиб қолганга ўхшайди, ҳукумат нималарнидир ташкиллаштириб сизларни халққа қоралаб кўрсатмокчи”.

Мен суҳбатни айнан ўзини ёзиб улгурмадим, маъносини ёзиб маълум қилишни маъқул кўрдим.

Дўст Назар.

“ОҚ СУЯКЛАР ВА ҚОРА СУЯКЛАР”



“Оқ суяк” бўлиш (номенклатура, аристократия-зодагонлик) жамиятдаги раҳбар ва имтиёзли табақага оид бўлишни билдиради. Советлар даврида бу Коммунистик Партиянинг катта -кичик раҳбарияти аъзоларини ва совет тузумида унинг манфаатига хизмат қилишга лойиқ кўрилган табакани билдирарди. Зодагонликнинг асосий тамали эса моддий бойлик ва унга асосланган ижтимоий, сиёсий ва ҳақоза имтиёзлардир.

Хуллас, номенклатурага (имтиёз синфига) ва аристократияга (зодагонларга) жамиятда эҳтиёж борми, йўқми, бугунги мавзумиз шундан иборатдир.

Сўзни ҳамон Ўзбекистонга келтирадиган бўлсак, ватанимиз мустақил бўлгандан кейин имтиёз ҳам, зодагонлик ҳам диктатор Ислоҳ Каримов ва унинг оиласи, бу оила ичида эса тўнгич қиз Гулнара Каримовага оиддир. Албатта бу диктаторга ва оила аъзоларига уларнинг жиноятида шериклик қилаётганлар ҳам турли имтиёзларга эгадирлар. Улардан баъзилари ўзларини ҳозирги Ўзбекистоннинг зодагонлари ҳисоблашлари ҳам кўпчиликка маълум.

Хуллас, тарихда бўлгани каби бугун ҳам жамиятларда қуйидаги табақаларни кўришимиз мумкин: булар номенклатура ва аристократия табақаси (оқ суяклар табақаси), иккинчи табақа ўлиб-тирилиб бу оқ суякларга яқин бўлишга ва бундай яқинликни қўлга киритиш учун оқ суякларга хизмат қилувчи тоифа ва учинчи тоифа “қора суяклар”, яъни жамиятда ҳўрланадиган ва ҳеч бир кадриятга эга бўлмаганлар табақаси...

Жамиятларнинг бундай ички бўлиниши қаерда бор, дейсизми? Ҳамма жойда бор, инсонлар бундай бўлиниш бўлган жойни эмас, бўлмаган жойни излашлари керак аслида...

Масалан, бир ярим миллард инсон яшайдиган Хитойда Коммунистик Партия ва унинг югурдаклари бу давлатнинг “оқ суякларидир”... Аҳолисининг сони жиҳатдан Хитой билан рақобат қилаётган Ҳиндистонда

зотан “каста” тузуми мавжуд. Олий кастага оид кишилар учун бу дунё ҳаёти жаннат, қора суякчилар учун эса жаҳаннамдир бу давлатда... Америкада бунақа тоифа йўқ, дейдиганлар ҳақиқатни билмайдиган кишилардир. Америкада кимнинг оқ суяклар тоифасига оид эканлигини кўзи кўрадиган ҳам кўрмайдиган кишилар жуда яхши биладилар...

Оврупо давлатларининг кўпчилиги қиролликлардир. Яъни, оқ суяклар тоифаси бу ерда расмиятда мавжуддир. Бу расмиятчилик ва рамзийлик холос, бу қироллар жамиятда мутлақ ҳокимиятга эга эмаслар, дейдиганлар қисман ҳақли бўлишлари мумкин. Аммо замонавий Оврупонинг аристократияси йирик корхоналар ва банкларнинг соҳибларидир. Улар ўзларига хизмат қиладиганлар тоифасининг (қора суякчиларнинг) бўйнига фоиз, деган занжирни тақиб қўйганлар...

Русияда Елсин замонида “ит эгасини” танимай қолган давр эди. Унинг ўрнига келган Владимир Путин қиска муддатда “итларга” эгасини танитиб қўйди...

Осиёдаги қиролликларда ҳамма нарса ўз-ўзидан тушунарли бўлса керак. Қирол оиласида туғилдингизми, энг камида ўн минг доллар ҳар ойда чўнтагингизга келиб тушади. Бу инсоннинг инсонлиги бир пуллик бўлишининг эса аҳамияти йўқ. Муҳими қирол оиласида туғилиш... Ўзимизнинг Туркияда ҳам кечаги кунга қадар мавжуд лаик тузумнинг имтиёзларидан фодаланиб, зодагонлик иддоа қиладиганларга “оқ турклар”, дейиш расм бўлганди.

Хўш, бу гапларни айтишдан мақсад нима ўзи?

Модомики инсонлар жамият ҳолида яшашга мажбур эканлар, бундай умумий ҳаётнинг бир тартиб-қоида бўлиши мутлақо шарт. Яъни, жамият ўз қолипига эга бўлиши шарт. Чунки тартиб-қоида бўлмаган жамият шакллари тарихда бўлмагани каби, назарий жиҳатдан бундай жамиятни (анархияни-конунсизликни, бошбошдокликни) орзу қилиш ҳам натижасиз қолганлиги бир ҳақиқатдир. Шундай экан, жамият қолипни ким ихтиро қилиши ва яшаши керак? Жамият учун бундай қолипни ижод қиладиганлар ўзларини оқ суяклар, ўзгаларни эса қорасуяклар, дейишга ҳақлидирларми?

Бу ҳақда ўйлайдиган ва айникса турли жамиятлардаги “оқ суяклар” ва “қора суяклар”нинг аҳволига кўз югуртирадиган киши Ҳималай тоғларига чиқиб, бундай сохтакорлик ва ундан юзага келган зулм ва

фасодни тамоша қилишни истайди, албатта. Аммо биз бу дунё ҳаётини томоша қилиш учун яратилмаганмиз. Бизнинг вазифамиз аввало инсон фарзандларининг “суяги” аини рангда эканлигини билишдан иборат. Чунки инсон инсондир, қаерда яшашидан ва қандай яшашидан қатъий назар инсон аввало инсондир...

Ҳамма инсонлар аввало инсон экан, нега инсонлар бир-бирларидан устун бўлишни истайдилар. Бундай истак табиийликми (фитрийликми) ёки бундай истак инсон табиатида зидми?

“У (Аллоҳ) сизларни ер юзиде халифалар қилган ва Ўзи берган нарсаларда сизни синаш учун баъзингизнинг даражасини баъзингиздан устун қилган зотдир. Албатта, Роббинг иқоби тез зотдир. Ва, албатта, у мағфират қилувчи ва раҳмлидир» (Анъом сураси 165)

Бу ояти кариманинг моҳияти менинг тушунишимча шундан иборатдир:

“У (Аллоҳ) сизларни ер юзиде халифалар қилган...”

Аллоҳ таоло инсонларни ер юзиде халифалар қилиб яратган. Яъни, инсонлар ер юзиде Аллоҳ таолонинг вакиллари дур. Вакил бўлишнинг маъноси инсонларнинг ер юзидеги барча нарсага Роббим шуларни менга омонат қилди, шу омонат ўлчовида улардан фойдаланишим керак, дея эътиқод қилиб яшашдир. “Ўзи берган нарсаларда...”

Аллоҳ таоло инсонларга берган нарсалар, аввало инсоннинг ўзлигини ташкил қиладиган-руҳ, ақл, нафс, қалб ва инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжи бўлган нарсаларнинг барчаси...

“...сизни синаш учун...”

Эй инсонлар, диққатли бўлинг бу нарсалар сизга бекорга берилмаган, аммо бу сиз учун бир имтихондир. “...баъзингизнинг даражасини баъзингиздан устун қилган Зотдир”. Демак, инсонларнинг ақлу зақода, тадбиркорликда, жисмоний қувватда ва бу хусусиятлардан пайдо бўладиган жамиятдаги мавқеларида бир-бирларидан устун бўлишлари уларнинг табиатида (фитратига) зид эмас экан. Аммо бу ҳақиқат ўзларини оқ суяк, қолганларни қора суяк ҳисоблайдиганларнинг дўппиларини осмонга отиб, севинишларига сабаб бўла олмайди. Ҳақиқатан ҳам инсонлар орасида жуда ақллилари бўлгани каби, содда нарсаларни тушунишда қийналадиганлари ҳам бор. Шунингдек, улар орасида тадбиркорлари бўлгани каби, ўз бошича иш қила олмайдиган ва бирон ишни амалга ошириш учун

(Давоми: кейинги бетда)

“ОҚ СУЯКЛАР ВА ҚОРА СУЯКЛАР”

(Давоми: боши олдинги бетда)

бошқаларнинг кўрсатмасига муҳтож бўлганлари ҳам бор. Инсонлар ичида жисмонан кучлилари бўлгани каби заифлари ҳам бордир...

Фақат инсонларни бир-биридан устун қилиб яратган Парвардигоримиз ҳақиқий устунликнинг ушбу жиҳатларда эмаслигини ҳам Куръони Каримда очик-ойдин марҳамат қилгандир:

“Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурда энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир”. (Хужурот сураси 13)

Инсонлар аввало бир эркак (Одам ас) ва бир аёл (Момо Ҳаво)нинг фарзандларидир. Уларни бу дунё ҳаётида бир-биридан устун бўлишига олиб келадиган жиҳатлар (ақл, зако, табдиркорлик, моддий имкониятлар ва ҳк) ҳам аслида Аллоҳ таоло тарафидан инсонларни синаб кўриш учун берилган. Қани инсон ўзига берилган устунликни нима мақсадда ишлатади. Ўзини оқ суюк, бошқаларни эса қора суюк дея хўрлаш учунми? Ёки ўзининг бошқалардан устунлигини Парвардигорининг неъматидея, дея баҳолаб, бундай устунликни яхшилик йўлида ишлатиш учунми?

Ўзининг жамият аъзоси сифатида масъулиятини билишни истайдиган инсоннинг аввал тушуниши керак бўладиган ҳақиқат мана шундан иборат бўлса керак. Бу маънода инсон қанчалик ақлли бўлмасин, моддий ва маънавий жиҳатдан қанчалик кучли мавқега эга бўлмасин аввало ўз нафсига қарата ўзбекларнинг “мақтанма ғоз, ҳунаринг оз”, деган ҳикматли сўзини айтиши керак бўлади.

Аммо кишининг ўз- ўзини тарбия ва назорат қилишига ишорат бўлган бундай сўзни айтиш учун инсон ҳақиқий маънода бошқалар орасида устунликни қўлга киритишга ҳаракат қилиши зарур. Бу эса инсондаги тақво даражаси билан ўлчанади. Зеро, Аллоҳ таоло Хужурот сурасининг 13 оятида тақводорларни Аллоҳ наздида ҳурматлироқ, устунроқ, дея марҳамат қилган.

Хўш, шундай экан, тақво нима ўзи? Кўп мубаларда ва тушунтиришларда тақво банданинг Аллоҳ таолодан кўркиши, дея изоҳ қилинади. Бу албатта, ҳақиқатдир. Аммо кўркиш бандани Парвардигорига боғлаб турадиган ягона “ип” эмаслиги ҳам маълум. Шундай экан, тақвони банданинг Аллоҳ таолонинг

амрларига шак-шубҳа қилмасдан эргашиши, дея ҳам таъриф қилиш ҳам мумкин. Худди энди оёғи чиққан чақалоқ онасининг этагидан ушлаб, унга эргагани каби. Банданинг ўз Парвардигори иродасига эргашиши фақатгина кўрқув билан эмас, аввало муҳаббат, тавозе, чексиз ҳурмат ва одоб, Роббининг иродасидан чекиниш, Унинг азоби қаттиқ эканлигини унутмаслик, мутлак таслимиёт, хушу (манбаси севги ва кўрқув бўлган сергаклик) билан амалга ошади. Мана шундай инсон тақволи, яъни инсонлар ичида даражаси юксак инсон ҳисобланади.

Тақво неъматига эришган кишида на ўзининг оксуяклиги, нада ўзгаларнинг қора суюклиги ҳақида иддоа бўлмайди. Аксинча бундай инсон “оқ суюклик, қора суюклик” фалсафасининг ёлгон эканлигини ҳаммага эълон қилади. Чунки у ёлгоннинг ҳар қандай шаклини (сўз ёки амалда) таг-томири билан рад қилади.

Бу эса инсонлар орасида ҳақиқий устунликнинг бошланғич нуқтасидир. Ёлгондан қутулиш билан тақво йўлида илк қадамни отган инсон, бу йўлда иккинчи қадамни ҳам дадил ташлайди. Бу эса адолатли бўлишдир. Адолатли бўлишнинг талаби эса на зolim бўлиш на да мазлум бўлишдир. Яъни, адолатли бўлиш ҳеч бир шаклда зулмга рози бўлмасликдир. Баъзи инсонлардаги зolimдан ҳам, мазлумдан ҳам менга нима кайфияти, аслида зулмни қўллаб-қувватлашдан иборат. Шунинг учун ҳам зулм қаршисида овоз чиқармаслик тилсиз шайтонликдир, дейилган.

Тақвони энг яхши сифатлайдиган хусусиятлардан бири Муҳаммад (сав)нинг ҳадисларида айтилгани каби мусулмон кишининг “тили ва қўли билан бошқаларга зарар бермаслигидир”. Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, ҳақиқий маънода тараққий қилган жамиятда устун мақомга эга бўлганлар тақводорлар ҳисобланади. Коммунистларнинг ҳам, фашистларнинг ҳам, атеистларнинг ҳам, касрачиларнинг, ҳаром йўлар билан топган сон-саноксиз бойлигини ўзларига ягона шараф, деб биладиганларнинг ҳам, илми ва ақли қил қирқни ёрадиган аммо инсофдан хабари бўлмаганларнинг ҳам инсонлар орасида “оқ суюклик” иддоасини қилишга ҳақлари йўқ.

Аксинча бундайлар ва бундайларнинг олқишлари билан бошқарувни қўлга киритиб, диктаторлик, якка ҳокимлик-қироллик қиладиганлар, хуллас тақводан хабари бўлмай туриб, ўзларини оқ суюк, деб биладиганларнинг барчаси юзлари қора инсонлардир...

РОССИЯДА КУЙИБ ЎЛГАН УКАЖОНИМ



Ўз юртида иш тополмай,
пул тополмай,
Йўл тополмай қолди
ҳайрон, оломоним.
Оиласин боқаман деб, ишга кетиб,
Ўзга юртда хор зор бўлган,
бағри қоним!
Россияда куйиб ўлган, укажоним!

Ўз халқини ўйламаса,
буғун Подшоҳ,
Нон тополмай ўзбеклар
хор бўлди, эй воҳ,
Қайғу чекар ўйлаганда юраклар, оҳ,
Сизни ўйлаб қийналади,
кўп виждоним!
Россияда куйиб ўлган, укажоним!

Айрилдику фарзандидан, Ота-Она,
Етим қолди гўдаклар ҳам,
энди мана,
Тул қолишди келин қизлар,
қанча яна,
Ким ўйлайди сизни халқим,
нотавоним!
Россияда куйиб ўлган, укажоним!

Улуғ бир халқ нега буғун,
хор бўлдилар,
Нега ахир парча нонга,
зор бўлдилар,
Амалдори Иблисга дўст,
ёр бўлдилар,
Шулар масъул, шуни билинг,
дўст ёроним!
Россияда куйиб ўлган, укажоним!

Қанча одам умри зомин,
турмаларда,
Виждон йўқдир “раҳбар” деган,
кимсаларда,
Зулмнинг ҳам чегараси, ахир борда,
Ҳануз қулдир билинг
“Қўҳна Туркистоним”!
Россияда куйиб ўлган, укажоним!

Шунча азоб уқубатдан
ўтдик-ку биз,
Зolimлардан мурувватлар
қутдик-ку биз,
Эркимиз деб, молу жонни,
тидик-ку биз,
Сизниқидан азиз эмас,
менинг жоним!
Россияда куйиб ўлган, укажоним!

Қани, бизга айтган ўша
“Зўр келажак”?,
Зolimлар ҳам бир кун келиб,
хор бўлажак!,
“Ўлган” гурур ҳисси яна,
тирилажак!,
Обод бўлур бу юрт яна,
йўқ гумоним!
Россияда куйиб ўлган, укажоним!

ВИЗА АЗОБЛАРИ



Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг турли хорижий мамлакатларга турли юмушлар билан чиқиши ва улардан кириши кундан кунга ортиб, шу юзадан аҳолининг паспорт идораларига мурожаатлари кўпаймоқда. Ўзбекистон қонунчилигида паспорт тизими билан боғлиқ барча масалаларнинг қатъий қоидалари белгилаб берилган. Аммо Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси қошидаги Фуқароларни хорижга чиқариш ва виза бериш бўлимига (ОВИР) виза олиш учун борган фуқаролар паспорт тизимида ишлаётган милиция ходимларининг иш юритишидан ниҳоятда норози бўлмоқдалар.

Халқ орасида, ушбу бўлимга мурожаат қилганларнинг, унда ишлаётган таниш-билишлари бўлса ёки маълум миқдорда яширинча пул бериб, тил топишсалар, ишлари тез битади, деган гаплар юрибди. Бошқа фуқаролар эса мазкур ОВИР муҳрини олиш учун аслида режимда 10 кун муддат белгиланган бўлса-да, ҳатто бир ой, икки ойлаб кутишларига тўғри келмоқда. Фуқаролар бўлим мутахассисларининг “Эрта кел, индин кел”, деган баҳоналаридан безор бўлиб кетишган. Фуқаро шу келадиган кунида иши бутишини ўйлаб, чет мамлакатга сафар учун билет олиб қўяди. Лекин яна фақат ваъда олиб, билет пули қуйиб кетади. ОВИР ходимлари, чўзилиш бизларга боғлиқ эмас, дейдилар. Хужжатларда бирон бир камчиликни топиб, аниқ гап ҳам айтмайдилар.

Хоразмдаги ҳар бир фуқаро мазкур даргоҳга келиб кетиши учун ўрта ҳисобда 6000 сўмдан 20000 сўмгача пулни фақат транспорт учун сарфлайди. Агар у ОВИРга 10 марта келиб кетса, сарфланадиган харажат миқдори қанча бўлишини ўйлаб кўринг. Яна “Эртага келинг” деган жавобнигина кутиш учун туш пайтигача вақт сарфланади. Шу аснода бирон бир кафедра овқатланишга ҳам ортиқча пул сарфлашга мажбур бўлинади. Бугунги иқтисодий танглик ҳолатида, фуқароларнинг кун кўриши қийин кечаётган бир пайтда бўлим

ходимларининг бепарволиги аҳолига қимматга тушмоқда.

Қолаверса, бўлим олдида ўнлаб-юзлаб одамлар тўпланиб қолади. Вағир-вуғир, кичириқларни эшитасиз. Қутаётганларнинг ўтириб дам олиши учун бирорта ҳам стул йўқ. Навбатда икки-уч соатлаб оёқда тикка туриш қони азоб. Чунки унда тартиб йўқ. Навбатсиз қирадиганлар қандайдир йўллар билан ишини тез битириб кетади. Бу бошқаларнинг жаҳли чиқишига, жанжал чиқаришига сабаб бўлади. Шу ерда ишловчи милиция ходимлари эса бунга асло эътибор беришмайди. Бўлим деворларида қонунни тушунтирувчи консултантив кўргазмалари материалларни кўрмайсиз. Фуқаролар учун фақат битта эълон осиб қўйилган ҳолос. Узун, тартибсиз навбатлар ва уларда юзга келадиган жанжаллар фақат юқорида тилга олинган бўлимдагина эмас, паспорт идорасининг барча бўлимларида одатий ҳолга айланган. Милиция ходимларининг сансоларлиги ишни чигаллаштириб юборади. Улар фуқаролар ишини битирмасликнинг ажойиб баҳонасини ўйлаб топишган. “Электр қуввати узилиб қолди, чирок ўчиб қолди”, дейишади, тамом вассалом. Сиз шалвираган ҳолда орқага қайтаверасиз.

Фуқароларнинг исм-фамилиялари тез-тез ўзгартирилмоқда. Тўғри, бу қонуний ва ФХДЁдан хужжатларни тўғрилаш орқали амалга оширилади. Аммо бундай ўзгартиришлар уни ўзгартирган шахснинг фарзандларига, мол-мулкига, кейинги ҳаётига салбий таъсир қилмаслиги керак. Бундан ташқари, айрим шахслар, паспортда ўзга давлатнинг депортация муҳри борлигини, жиноятчилигини яшириш учун ғарз мақсадларда фирибгарлик йўлида исм-фамилиясини ўзгартириб, янги паспорт олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Паспорт идораси ходимларини бундай оқибатлар қизиқтирмай қўйган.

Қонунни талаб қилсангиз, сиздан ёмон одам йўқ. Ҳамма айбни ўзингизга ағдариб, йўқ жойдан камчилик топадилар. Паспорти ёки ўлтиримлигида бирон кичик камчилиги бўлган фуқаролар қонунда кўрсатилмаган қатта жарималарни тўлашга мажбур қилинади. Бу тўланадиган маблағлар қаёққа кетаяпти, давлатгами ёки милиция ходимининг чўнтагигами, буни аниқлаш жуда қийин. Паспорт тизимидаги ходимлар фуқаронинг хужжатларидаги ҳар қандай камчиликдан фойдаланиб қолишга уринадилар. Рўйхатга қўйилишидаги муаммолар, мамлакатдан чиқариб

юборилиш ҳолати, паспорт олаётганда етарли хужжатларни олиб келмаганлиги ва бошқалар, шулар жумласидандир.

Юқорида келтирилган фактлар мониторинг давомида сўраб-суриштирилди ва фуқаролар билдирган эътирозларга таянган ҳолда, “Нажот” фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилган, деб, эътироф этилиши мумкинлигини билдиради. Бундан ташқари, “Нажот” раисининг ўзи виза олиш учун мурожаат жараёнида юқоридаги муаммоларга дуч келган. “Нажот” ўз навбатида Хоразм вилояти ҳокимлиги, вилоят ИИБ, туман милиция бўлимлари, қонунни назорат қилувчи прокуратура ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларининг маъсул ходимларидан мазкур ишларни яхшилашни, фуқароларнинг эркин ҳаракат қилишлари учун шарт-шароит яратиб беришни ва қонун белгилаб берган муддат ичида шахсни тасдиқловчи хужжатга эга бўлишини таъминлашни сўрайди.

Хайитбой ЯҚУБОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА НАРХНИ ОШИРАётганлар Халққа Ҳисоб беришлари Керакми?

Ўзбекистонда 1 апрелдан иссиқ ва совуқ сув, марказий иситиш тизими ҳақи ҳамда электр нархлари яна кўтарилади. Шу пайтгача 1 киловатт электр қуввати учун 91 сўм тўлаган оддий одамлар апрелдан 97 сўм тўлашади. Иссиқ сув ўртача 15 фоиз, совуқ сув 10 фоиз қимматлайди. Шу кунларда газ нархи ҳам ошади, деган гапларни одамлар эшитганлар.

Аммо, маҳаллий журналистларга кўра, масъуллар ўз даромадларининг манбаи бўлган аҳолини нарх-навонинг оширилиши юзасидан талаб қилинган шаклда огоҳлантиришни ўзларига эп кўришмайди. Ваҳоланки, одатий жамиятларда ҳокимият халқ олдида ҳисобот бериши керак. Уларнинг айтишларича, Ўзбекистон конституцияси бўйича ҳам халқ ҳокимият манбаи ҳисобланади, ҳуқумат эмас.

Ўзбекистонда иш ҳақлари ва пенсиялар ўтган йили декабридан 10 фоиз оширилган, энг кам маош қарийб 63 минг, энг кам пенсия 123 минг этиб белгиланган. Мустақил ҳисоб-китобларга кўра, шу кеча-кундузда Тошкентда кичик бир оиланинг истеъмол савати 300 АҚШ доллари ёки 846 минг сўмни ташкил этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН: СИЁСИЙ БОШПАНА СЎРАГАН КИШИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАН ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАНИДАН СЎНГ ИЗСИЗ ЙЎҚОЛДИ



“Advocates for Public Interest Law” ташкилоти ёйинлаган пресс-релизда сиёсий бошпана сўраган шахс Жанубий Корейдан Ўзбекистонга депортация қилингани ҳамда кейинчалик унинг йўқолиб кетгани ҳақида гапиради. Релизда бу одамнинг номи келтирилмаган. “Шимолий корейлик қочоқларни ўз мамлакатига чиқариб юборилганини доим танқид қилиб келган Жанубий Корея ҳукумати 21 март куни сиёсий бошпана сўраган ўзбекистонликни ўз юртига депортация қилиб юборди. Бу одам Ўзбекистонда ҳибсга олинди, қийноққа солиниши ва ҳатто ўлдирилиши мумкин, – дейлади релизда. – 29 март куни бу одам Ўзбекистонга қайтганидан сўнг йўқолиб қолди”. Ўзбекистонда давлатга хизмат

қилаётган имомларни тан олмаган мусулмонларни террорчи деб ҳисоблайдилар, уларни хоҳлаган пайтда ҳибсга олишлари, қийноққа солишлари ва ҳатто суд қилиб ўтирмай қатл этишлари мумкин. Халқаро ҳамжамият, шу жумладан, БМТнинг қийноқлар бўйича Махсус воизи Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг бу каби қўпол бузилишларини қоралади. Human Rights Watch 2011 йил декабрда чоп этган ҳисоботда айтилишича, Ўзбекистонда қийноқлар кенг ва мунтазам тарзда қўлланади. Human Rights Watch сўроқ пайтида фуқаролик жамияти фаоллари устига қайноқ сув қуйилгани, қўлга олинганларни резина таёқлар билан калтаклангани, билаги ва тўпиғидан осиб қўйилгани, зўрлангани, жинсий таъқирлангани, бўғилгани, пластик пакетлар ва противогазлар билан қийнлангани ҳолларини қайд этган. Ўзбекистонлик бошпана изловчи Жанубий Корейга илк бор 2002 йилда келган аммо ватанига 2008 йилда қайтган. Ўша йили у диний таъқиблардан қочиб яна Жанубий Корейга қайтган. Бирок 2012 йил 7 март куни миграция хизмати ходимлари томонидан қўлга олинган; унга Муҳожирлик назорати

тўғрисидаги қонунни бузгани учун депортация қилинажаги айтилган. У изоляторда ўтирган пайтда унинг қочоқ мақомини тақдим этиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқилди – рад жавоби берилганидан сўнг бошпана сўраган кимса депортация қилинди. Адвокатларнинг маълум қилишича, мақом олиш процедураси қонунбузарликлар билан ўтган: мусохаба пайтида бу одамга корейс тилини яхши тушунмайдиган ўзбек йигити таржимонлик қилган. Аризачи корейс тилида ёзилган мусохаба стенограммасини имзолашга мажбур қилинган. Бу кишини икки хавфсизлик хизмати ходими Ўзбекистонга кузатиб келган. Депортация қилинган шахснинг онаси у билан ҳатто аэропортда ҳам учраша олмади: унга ўғли СНБга олиб кетилганини маълум қилдилар. Адвокатлар Жанубий Корея ҳукуматидан бу одамни топишни талаб қилаётдилар. Бу одамни қийноқлардан ҳимоя қилиш ҳамда оиласи ва фарзандлари билан яна бириктириш учун Корейга қайтариш зарур. Адвокатлар Корея ҳукуматидан Ўзбекистонни ёрдам оладиган давлатлар рўйхатидан ўчиришни, бу мамлакатга инвестициялар киритишни тўхтатишни талаб қилаётдилар.

НОПОК КЕЛИШУВ: ЎЗБЕКИСТОН ДИКТАТОРИ БРИТАНИЯНИНГ ҚЎЛ-ОЁҒИНИ БОҒЛАДИ

Лондонда чиқадиган “The Independent” газетаси 8 апрель бозор кунги сониде “Нопок келишув: Ўзбек диктатор Британиянинг қўл оёғини боғлади” номли бир мақола эълон қилди.

Мақола Англия Афғонистондан мингларча тонна ҳарбий жиҳозларни олиб чиқиш учун дунёнинг энг ваҳший диктатори билан келишувни қабул қилди, дея бошланади. Афғонистондан чиқиш йўлини ўз манфаати учун фойдали, деб билган Президент Ислоҳ Каримовнинг Англиянинг қўл-оёғини боғлаб қўйганлиги таъкидланади. Охири ойда, дейлади мақолада, Англия ва АҚШ Ўзбекистон билан дипломатик алоқаларни кучайтирди.

Мудофа Вазири Philip Hammond музокаралар ўтказиш учун февраль ойда Тошкентга борди.

“The Independent on Sunday” келажак ойда ҳам бу икки давлат юқори лавозимли раҳбарларининг кетма-кет Ўзбекистонга сафар қилишини билдирган. Англиядаги жамоатчилик ташкилотлари инсонларни



вахшийларча қийнаш, мусулмонларга зулм қилиш ва болалар меҳнатини суъистемол қилиш билан донг таратган диктатор билан яхши муносабатда бўлиш Англия Бош Вазири David Cameron нинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш масаласида обрўйига путур етказиши мумкин, дея танқид қилганлар. Мақолада Ислоҳ Каримовнинг 2005 йилги Андижон воқеаларида ўз халқини қатиом қилгани ҳам айтиб ўтилган. Human Rights Watch ташкилотининг Ўрта Осиё мутахассисларидан Steve Swerdlow бугун-эрта портлаб кетиши мумкин бўлган дунёнинг энг даҳшатли диктаторликлари билан апок-чапоқ бўлиш Англиянинг манфаатига

эмасдир, деб айтган. Amnesty International ташкилотининг вакили Джон Dalhuisen ҳам икки давлат ўртасидаги бундай музокараларнинг фойдасидан зарари қўплигини таъкидлаган. Мақолада Ислоҳ Каримовнинг 22 йилдан бери халқаро майдонда ваҳший бир диктатор сифатида яккамахов ҳолга тушиб қолгани таъкидланади. Аммо дейлади, мақоланинг давомида, Покистон билан бўлган муносабатларнинг совуқлашуви Ўзбекистонни НАТО кучларини Афғонистонда олиб чиқишда алтернатив ҳолига келтирди.

Мақолада шунингдек, Ўзбекистон диктатори Ислоҳ Каримов “вахшийларнинг ваҳшийси”, дея аталган ва унинг таржимаи ҳолидан қисқа маълумотлар берилган. Унинг 74 ёшда эканлиги, болалар уйида тарбия топганлиги айтилган.

Шунингдек, Ислоҳ Каримов ўздан кейин Президентликка Ўзбекистон халқи энг кўп нафратланадиган, бойлик ва шон-шухратга муккасидан кетган тўнғич қизи Гулнорани тайёрлаётгани ҳам айтиб ўтилган.

ФУҚАРО ЖАМИЯТИ ФАОЛЛАРИ ЕЛЕНА УРЛАЕВНИНГ ТАҚДИРИДАН ХАВОТИРДА



Ўзбекистонлик бир гуруҳ инсон ҳақлари фаоллари Тошкентдаги руҳий шифохонада қолаётган таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси Елена Урлаеванинг тақдирдан хавотир билдиришган.

Ўзбекистондаги фуқаро жамияти вакиллари номидан тарқатилган мурожаатда Урлаева хонимда бирдан руҳий муаммолар пайдо бўлганининг асл сабабларини ўрганиш ва халқаро Қизил Хоч ташкилоти ҳамда Ўзбекистондаги Оврўпо ва АҚШ элчихоналари вакиллари билан кўришишга изн беришга чақирилган. Яна ушбу мавзуга оид

Ўзбекистон ҳукуматининг ашаддий танқидчиси бўлган 52 ёшли Елена Урлаева 5 апрел куни яқинларининг мурожаати асосида Тошкент шаҳар руҳий касалликлар шифохонасига ётқизилган.

Маълум бўлишича, Тошкентдаги маҳкама ҳуқуқ фаолини мажбуран даволаш ҳақида қарор чиқарган.

Елена Урлаева 2000 йилда ҳам маҳкама қарори билан руҳий шифохонага ётқизилган эди.

Фаоллар уни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти учун жазоланган, деб ишонишади.

Кейинроқ москвалик рухшунослардан иборат мустақил хайъат Урлаева хонимнинг руҳан соғлом экани ҳақидаги хулосани тақдим қилган.

Ўғли Денис Урлаевнинг Би-би-сига айтишича, ҳозирда онаси ўзини яхши ҳис қилмоқда.

“У ҳозир ўзини яхши ҳис қилаяпти, ўз ҳолига қайтган, аввал қандай бўлса, шундай ҳозирда”, дейди Денис Урлаев.

Аммо у онасига қандай муолажа қилинаётгани ва қанча муддат шифохонада қолишини билмаслигини айтди.

Мурожаатга имзо қўйган Тошкентдаги “Эксперт Ишчи Гуруҳи” раҳбари Суҳроб Исмоиловнинг айтишича, яқинларининг сўзлари ҳуқуқ ҳимоячисининг тақдир билан боғлиқ хавотирларни арита олмайди.

“Оила аъзолари ҳам, биз ҳам мутахассис эмасмиз, унинг руҳий ҳолати ҳақида хулоса чиқара олмаймиз. Шунинг учун ҳам мустақил тиббий комиссия текшируви муҳим”, - дейди Суҳроб Исмоилов.

Унинг айтишича, Елена Урлаева аввалроқ ҳамкасбларига ўзига қарши таъкиблар кучайгани ва уни яна руҳий шифохонага ташлашлари мумкинлигини айтган.

“Елена Урлаева ўзининг фаол мавқеи ва ўзи тайёрлаган ҳисоботлар билан ҳукуматнинг ғашига тегиб келаётган эди”, - дейди Суҳроб Исмоилов.

Ҳамкасбларининг айтишича, Урлаева хоним май ойи сўнггида Женевада ўтадиган халқаро йиғинда Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларига доир мустақил ҳисоботни тақдим этиши кутилаётганди.

Туркияга сафар

Сўнгги ходиса Елена Урлаева Туркия сафаридан қайтганидан бир неча кун ўтиб, содир бўлган.

Туркияда Елена Урлаевага мезбонлик қилган таниқли шоир ва муҳолифат раҳбари Муҳаммад Солиҳ бир баёнот тарқатиб, инсон ҳуқуқлари фаолининг Туркияга сафари тафсилотларини очиклаган.

Унга кўра, Урлаева хоним Туркияга озгина дам олиш ва соғлигини тиклаш ниятида ташриф буюрганди, шунингдек, инсон ҳақлари ҳимоячилари билан ҳам кўришиш режаси бор эди.

“Урлаеванинг буйраги касал экан, менинг рафиқам (муқобил тиб мутахассиси) унга даволаниш дастури ёзишга ваъда берди. Урлаева ўзига кўрсатилаётган самимият ва эътибордан ғоят мамнун эди”, - дея эслайди Муҳаммад Солиҳ.

Унинг тасдиқлашича, Елена Урлаева Тошкентга қайтишидан бир кун аввал Ислонни қабул қилишга қарор қилганини айтган.

“Мен аёлимнинг бундай қарор бир кунда қабул қилинмайди, деганини эслайман. На мен ва на аёлим уни мусулмонликка даъват этганимиз йўқ. Аммо Урлаева бизнинг оиладаги муҳит ва Туркиядаги инсонларнинг муомаласидан таъсирланганини айтди”, - дейди Солиҳ жаноблари.

Рухий шифохонадаги ‘баёнот’

Мустақил Узньос.нет нашри Елена Урлаеванинг Туркияда гўёки унга “нимадир ичириб қўйишгани”

ҳақидаги сўзларини келтирган.

Ўғли Денис Урлаев Би-би-си билан суҳбатда унинг бу сўзларини тасдиқламади ҳам, рад ҳам этгани йўқ.

“Мен ҳеч нарсани тасдиқламоқчи ҳам, рад ҳам қилмоқчи эмасман. Унинг шахсан ўзи шифохонадан чиққандан кейин гапириб бергани маъқулроқ. Ўшанда ҳақиқат маълум бўлади. У ҳозир ўзини яхши ҳис қилаяпти, ўз ҳолига қайтган, аввал қандай бўлса, шундай ҳозирда. Унинг шифохонада қанча муддат қолишини билмайман.

Мен бугун шифокорлардан қандай муолажа қилинаётганини сўрамоқчиман”, - деб айтди Денис Урлаев.

Би-би-си билан суҳбатда Муҳаммад Солиҳ руҳий шифохонадаги инсон ҳақлари ҳимоячисига нисбат берилган бу баёнотдан хайратга тушганини айтади.

“Урлаева бу сўзларни ҳақиқатан ҳам айтганми, айтмаганми, қоронғу. Мен унинг тилидан бундай бир нарса эшитмадим. Айтган бўлса, мутлақо ташки таъсир туфайли айтган бўлиши мумкин”, - дейди Муҳаммад Солиҳ.

Елена Урлаевани душанба куни руҳий шифохонага бориб кўрган Мустақил Инсон Ҳуқуқлари Ҳимоячилари Альянси фаоли Баҳодир Намозовнинг айтишича, Урлаева у билан учрашув чоғида бу каби даъвони илгари сурмаган.

“Елена хали шифохонада, даволанапти, ҳозирча ҳар-хил фаразларни илгари суриш нотўғри менимча”, - дейди Баҳодир Намозов.

Аммо у Елена билан содир бўлган ходиса ҳамда унинг Туркияга сафари ўртасида боғлиқлик бўлиши мумкинлигини истисно қилмайди.

“Муҳаммад Солиҳ билан мулоқот қилган шахсларга Ўзбекистон ичкарасида қаттиқ ҳужум бўлаяпти”, - дейди у.

Муҳаммад Солиҳнинг ўзи эса, Урлаева хоним Истанбулга келганида ҳам, қайтаётганида ҳам соғлом бўлгани, бу икки орада нималар содир бўлгани ҳақида фақат тахмин қилиш мумкинлигини айтади.

“Менга яқин бўлган, бизга хайрхоҳ бўлган инсонлар тоталитар режим тарафидан ҳар доим қаттиқ зулм кўрди. Еленанинг бугунги аҳволи ҳам ана шу зулмнинг бир кўриниши бўлиши мумкин, деган фараз ҳам йўқ эмас менда”, - дейди Муҳаммад Солиҳ.

АНДИЖОН ЗИНДОНИ ҚАЪРИДА КЎРГАНЛАРИМ



2005 йилнинг 13 феврал куни Наманган вилояти Поп тумани Уйғурсой қўрғончасида жойлашган УЯ 64/32 сонли жазони ижро этиш муассасасидан Андижон шаҳар УЯ 64/1 сонли ўта қаттиқ тартибдаги зиндонга ўтказилдим.

Андижон зиндонидаги биринчи танишув:

Капитан Ҳасанов Шокир начальник режимний част, эски таниш. Муқаддам у мени бу зиндонга жўнатган. У УЯ 64/32 сонли ЖИЭМда замначалник режимний част бўлиб ишлаган. Унинг учун маҳкумларнинг ҳеч бири инсон мақомига лойиқ эмас. У ёлғиз ўзини идеал инсон, деб ҳисоблайди. Андижон зиндонида маҳкум ва маҳбусларга қилинадиган зулмларнинг аксарияти унинг кўрсатмалари асосида амалга оширилади. Янги келган маҳкумларни асосан у кутиб олади ва энг аввало маҳкумларни руҳан, кейинчалик жисмонан синдиришдан бошлайди, ҳамда уларни жисмонан йўқ қилиш билан тамомлайди.

Турмага келган маҳкум то ўзининг ҳақиқий “сассик, ифлос аристон” мақомига етиб келгунича моддий талон-таровдан иборат шахсий текширувдан, маънавий ва жисмоний хорлашнинг барча услублари қўлланиладиган азоблаш ва қийнашдан иборат “сухбат”дан ўтишлари шарт. Зиндоннинг ўз шиори бор: “Бу ер Андижон-сенрал. Қаерга келганингни унутма. Сенларни битта ҳуқуқларинг бор. У ҳам бўлса сўзсиз итоат. Ҳукм қатъий. Шикоятга ўрин йўқ”. Заррача норозилик билдирган киши ё ҳожатхона оқаваси тошиб ётадиган захлигидан ювилган устибош 2-3 кунлаб қуримайдиган камерада ё оперлар томонидан қўллаб-қувватланадиган айғоқчи, хоин, вахшийларнинг камераларида ё спид, силга дучор бўлган ҳафталаб сақланадиган камераларда, ёки “изоляция” номли якка тартибдаги ўлим каноти жойлашган камераларда “муолажа” қилинади. Агар бундан ҳам оперларнинг кўнгли тўлмаса камерада камерага ташлаб сарсон қилиш бошланади.

Мен билан учрашувдаги илк гапи мана шулардан иборат:

“Сени яхши таниганим учун айтиб қўяй. Сенга бу зиндондан 2 та йўл бор,

ундан бошқа йўл йўқ. Биринчи йўл бу сенинг мурдангни қабристонга чиқиши. Иккинчи йўл бу сенинг номусингни синдириб, руҳингни зиндонда олиб қолиб, жасадингни озодликка чиқишидир”, деб бошлади.

Мендан “осмон қўлингизда бўлса ташлаб юборинг” деган жавобни эшитганидан кейин биринчи ишини мени жисмонан йўқ қилишдан бошлади. 10 нафар зиндон ходимлари билан бирга қўл ва оёқларини кишанлашдан бошлади. Чунки у мени УЯ 64/32да зулм қилмоқчи бўлган ходимларга қаршилик кўрсатишда фаол эканлигини билар эди ва ўша ерда менга нисбатан охирига етказа олмаган зулмларига шу ерда хотима қўймоқчи эканлигини айтди.

Шокир Ҳасанов мени УЯ 64/32 да маҳкумларни Ислонга даъват қилаётганим учун бу йўлдан қайтариш учун бир неча бор ўз бошлиқлари кўрсатмаларини бажарган эди, аммо у ўз зулмлари билан ҳеч қандай натижага эриша олмаган эди. Лекин у ўзининг бу ҳаракатлари билан маҳкумлар ичиди “вахший”, деган лақабга сазовор бўла олган эди. Балки мана шу “вахший” мақоми ва унинг УЯ 64/32даги мусулмон маҳкумларга кўрсатган мислсиз зулмлари самарасида Шокир Ҳасановни Ўзбекистоннинг энг қаттиқ ва ёпиқ тартибдаги зиндон мулозимларидан бири бўлиб етишишига олиб келгандир.

Шундай қилиб Андижон зиндонидаги илк зулмлар бошланди: қўл-оёқларим кишанланган ҳолда 5-6 нафар зиндон ходимлари мени кўтариб у девордан бу деворга зарб билан улоқтиришарди ва деворларга урилиб сўнгра ерга қулар эдим. Агар ходимлар ҳолдан тойиб чарчаб қолишса, унда мени стол устига босиб олиб ушлаб туришарди. Шокир Ҳасановнинг ўзи қўлларига резина дубинкани олиб оёғимнинг ост ва товон қисмларига аямай уришни давом эттирар эди. Ох-воҳларни у зиндонлар қаъридан Аллоҳдан ўзга ким ҳам эшитар эди!!! Бу ҳол 3 соатлар чамаси давом этгандан сўнг мен ҳам ҳолдан тойиб, хушимдан кетганимни кўрганидан кейингина мени “ўлим каноти” деб ном олган бўлимнинг якка тартибда сақланадиган изолятор камералардан бирига олиб кириб ташлашган экан. Ўзимга келсам, қўлларим олдинга қилиниб кишанланган ҳолда битта ўзим якка камерада эканман. Танамнинг ҳамма жойи моматалоқ бўлиб кетган, туришга танамдан куч топа олмайман. Бошим резина дубинка зарбларидан қовурга суюқларидай шишиб кетган эди. Тизза ва тирсақларим шилиниб суюқлари кўринар даражага келиб қолган эди. Оёғимнинг товон қисми ҳеч нарсани сезмас эди, аммо чидаб бўлмас даражадаги оғриқ азоб берар эди.

Шу лахзада “Ё Роббий, ундан кўра бу жонимни олиб кўя қолсанг бўлмасми”, деган бир нидо қалб қаъридан отилиб чиқарди. Ўзимча “жон таслим қилиш шунчалар қийин бўлса” деб ўйлар

эдим. Хаёлларимни зиндон ходимининг “Ҳой тирикмисан”, деган саволи бузиб юборди. Шунда мен унга жавобан “соат неча бўлди”, деб сўрадим. У соат 13:30 бўлди, ҳозир тушлик олиб келади, тур тайёрлан, деди. Туришга танада куч топа олмадим. Шунда оёқларим ишламаётганини сездим ва на илож, деб бир амаллаб таяммуум олиб ётган ҳолимда кўзларимни шифтга тиккан бир ҳолатда пешин намозини ўқий бошладим. Намоз ўқияпману хаёлимда бир фикр ҳеч ҳам кетмас эди. Аллоҳ ҳеч қачон бандасига тоқатидан ортиқ синов юкламайди. Чунки мени ушбу зулмларга сабр қила олишга тоқатим етган эди. Танам чекаётган азобу-оғриқлар ҳам мана шу фикр қудрати ила сезилмаётгандек туюлар эди.

Намоз ўқияпману кўзларимдан ёшлар қуйилиб келяпти. Бу тоқатнинг галаба кўз ёшларими ёки азобу-оғриқларнинг аччиқ кўз ёшларими, ўзим ҳам тушуна олмас эдим. Намозни тугатмасимдан тушлик ҳам келди. Менинг йиғлаётганимни ва унинг саволларига жавоб бермаётганимни кўрган зиндон ходими бир оз кузатиб туришидан кейин камера эшигини очиб ичкарига кирди ва “тур ўрнингдан”, деди. Кейин мен тура оладиган аҳволда эмаслигимни кўргач тушлик ҳақида сўрамасдан ҳам чиқиб кетди, қўлларим кишанда бўлганлиги учун менга тушлик ҳам бериш тақиқланганини тушунди шекилли.

Шу зайлда эртаси кун тушликкача зах бетон устида ётдим. Сув сўраб қилган бақир-чақирларимга жавобан агар жим ўтирмасам бетон полга хлор аралашган сув сепишлари билан кўрkitиб дағдага қилишарди. Эртасига эрталабга бориб шундай бўлди ҳам. Талабларим овози тинавермагач иккита чекада хлор аралашган сув олиб келиб мен ётган бетон полнинг ва менинг устимдан сепиб кетишди. Ундан кейин шундоқ ҳам нафас олиш қийин бўлган тор ва зах камерада умуман нафас олишнинг иложи бўлмай қолди. Бир амаллаб судралиб бориб ҳаво қирадиган туйнук тагигача етиб олдим. Усти-бошим ҳўл, бетон пол ундан баттар, ҳаво қирадиган туйнукдан кишининг изгириин ва аччиқ совуқ шамоли кириб келади ва ана шу совуқ шамоли остида ётиб нафас оламан.

Тушликка яқин камера эшиги очилди ва зиндон ходимлари мени судраб олиб чиқишди. Йўлак охиридаги камераларнинг биригача судраб олиб бориб камерага олиб киришди ва ўзлари чиқиб кетишди. Олти кишилик камерада икки маҳкум бор эди. Улар мени кўтариб кроватга ётқизишди. Улардан сув беришларини сўрадим, сув беришди. Улардан бири 40 ёшлар чамасида ўзини Марлен, деб таништирди ва зиндонни текширгани юқоридан текшириш гуруҳи келганини, шунинг учун ходимлар мени ШИЗО бўлимидан умумий бўлимга олиб ўтишганини айтди. Агар мабодо текширувчилар бу камерага кириб келишса, уларга ҳеч қандай шикоят қилмаслигимни тушунтирди.

(Давоми кейинги бетда)

АНДИЖОН ЗИНДОНИ ҚАЪРИДА КЎРГАНЛАРИМ

(Давоми: боши олдинги бетда)

Агарки шикоят қилсам текширувчилар кетади, лекин Шоқир Ҳасанов шу жойда қолади ва менинг бошимга бундан беш баттар кунлар тушиши билан огоҳлантирди.

Шунда Марлен жаноблари зиндон мулозимларининг хизматларини қиладиган малайлардан бири экани ва улар уни менга кўз-қулоқ бўлиб туриши учун ҳам мени у ўтирган камерага ташлашганини билдим. Ўзининг кўзи кўрмаслигини айтсади, аммо уни мунтазам кузатган одам унинг кўзлари жуда яхшигина кўришини фош эта оларди.

Марлен бу каби малайлик ишларида устаси фаранг эди. Актёрлик маҳорати ўта кучли бўлган бу кимса ўзига зиндон мулозимлари томонидан берилган кўр-маҳқум ролини қойилмақом қилиб ўйнар эди.

Андижон зиндониди бутун Ўзбекистон бўйича ўта оғир жиноятларни содир этганлар жумладан (бир неча котилликларни қилганлар, ўлим ҳукми берилиб ва кейинчалик ўлим ҳукми 25 йиллик жазо муддатига алмаштирилганлар, нарқобаронлар, одам гўштини ейиш жиноятини содир этганлар) каби маҳқумлар, яна бўлса Ўзбекистоннинг зона ва турмаларида ашаддий, деб топилган маҳқумлар, ҳаттоки зулмда машҳурлиги билан танилган Жаслик ва Қоровулбозор каби зиндонлардан ҳам энг ашаддийларни шу зиндонга жўнатишади ва 159-модда, яъни диний фаолиятлари юзасидан қамалган маҳқумлар (уларни ҳамма биродарлар, деб аташади) ҳамда ана шу биродарларнинг ҳам ичидаги ўз йўлларида қайтмайдиган, қадамлари собитқадам, ашаддий мустаҳкамлари каби энг энг ашаддийлар йиғилган зиндондир.

Бу зиндонга кирганлар ўзларини сиртдан ўлимга ҳукм этилганлар, деб ҳисоблашади. Агарки кимки шундай ҳисобламаган бўлса ҳам зиндон ходимларининг тинимсиз руҳий ва жисмоний зулмлари остида албатта сиртдан ўлимга ҳукм этилганлигини тан олади.

Бундай тан олишлар Марлен каби малайларнинг хаёлларига ҳам қелмайди. Андижон зиндониди бутун Ўзбекистоннинг ашаддий маҳқумлари жамланган каби, зиндон мулозимларига хизмат қиладиган Марлен каби малайларнинг ҳам ашаддийлари жамланган.

Бу зиндон маҳқумлари 3 та тоифага бўлинади:

1-тоифа. 159-модда билан қамалган биродарлар ва уларга эргашганлар ҳамда уларга кўмак ёки ёрдам кўрсатаётганлар. Зулмларнинг ҳам энг кучли 1-тоифаси ҳам мана шу маҳқумларга қаратилади.

2-тоифа. Бу жиноят кодексининг бошқа моддалари билан қамалиб жазо ўтаётган, аммо намоз ўқимайдиган ва

биродарларга ҳам, малайларга ҳам ҳеч қандай ёрдам кўрсатмайдиган тоифадир.

3-тоифа. Бу зиндон ходимларига кўш-қўллаб хизмат қиладиган Марлен каби малайлар тоифасидир.

Биринчи тоифа биродарлар уларнинг Андижон зиндонига киришлари мен сизга юқорида сўзлаб берган зулмлардан бешбаттар оғирроқдир. Биродарлар орасида бирон бири йўкки бу зиндонга соғ-саломат кирган бўлса ёки соғ-саломат чиққан бўлса. Бу зиндондан чиқадиган ўликлар сони ҳам аксарияти ана шу биродарлар сонига тўғри келади.

Андижон зиндони 3 бўлимдан иборат бўлиб биринчиси “Самара”, иккинчи “Маҳалла”, учинчи “Бомбей” деб номланади. Андижон турмасининг Гуантанамодан битта фарқи Гуантанамодаги ходимларнинг кофирлар эканидир. Буларчи?! Булар қандай инсонлар?! Бу ердаги қийнаш, азоблашнинг услуб ва воситалари ҳақидаги ҳақиқатларнинг айримлари билан танишишнинг ўзиёқ ҳар бир соғлом фикр эгасида тасаввур пайдо қилишга етарлидир.

1-бўлим маҳқумлар тилида “Самара”, деб аталади ва бу бўлим зиндоннинг энг оғир бўлими ҳисобланади. Самаранда эса аёллар, вояга етмаганлар, ҳамда “ашаддийлар” деб эътибор қилинадиганлар сақланади. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган деярли барча ифлос услуб ва воситалар тажриба қилинадиган бўлим. Ифлос демократик тузумнинг татбиқи натижасида жиноятга қўл урган котиллар, ҳақиқат ва адолатни истовчилар, ваҳшийлик табиғатига сингиб кетган ҳақиқий жиноятчилар бу турмада “қайта тарбияланадилар”. Бу ерга тушиш ҳаммага ҳам “насиб” қилавермагани каби азоб-уқубатлардан қутулиб қолиш ҳам ҳаммага насиб қилавермайди. (МХХ, ИИБ, ГУИН, ҳамда муассасага хизмат қиладиган хоин айғоқчилар бундан мустасно).

Бўлимнинг 1-қавати ва подвал қисмида ўлимга ҳукм қилинганлар билан бирга энг собитқадам ва руҳан тетик, золимлар руҳиятини синдира олмаган биродарлар ва энг ашаддий малайлар сақланади.

Зиндоннинг ҳар бир камерасида ҳеч бўлмаса биттадан малай жойлаштирилган. Улар камерадаги ички ҳолат ҳақида зиндон мулозимларига маълумотлар етказиб туришади. Малайлардан ва зиндон назоратчиларидан доимий назорат ва доимий ҳадик ҳамда хавфсирашнинг ўзи маҳқумларни руҳан синишларига олиб келади. Маълумот етказишнинг оммалашган услуби бу малайларнинг уйларига хат ёзиш орқали бўлади. Чунки маҳқумлар бир-бирларининг хатларини ўқишни ўзларига эп кўришмайди ва

бу малайларга маълумот етказишда жуда қўл келади. Агар тезкор маълумот бўлса унда камерадаги маҳқумларга билдирмасдан эшикнинг кузатиш туйнукчасидан ёзиб ташлаб юборади. Йўлакни назорат қилувчи зиндон ходими уни олиб зудлик билан зиндоннинг тезкор мулозимларига етказишади.

Самара бўлимида яна шундай камералар борки, унда 4-5 нафар малай жойлаштирилган ва улар орасида вақти-вақти билан биттадан биродарлар жойлаштиришади ва биродар ухлаб ётган маҳалда малайлар унга қарши хужумга ўтишади. Аксарият ҳолларда бу хужумлар биродарнинг бирон-бир жойининг синиши ёки майиб, мажруҳ бўлиши ёки унинг ўлими билан ниҳоя топади. Бу услубни зиндон мулозимлари ўзларини жиноий жавобгарликдан олиб қочиш учун уюштиришади.

Аксарият зулмлар Самара бўлимида амалга оширилади. ШИЗО бўлими ҳам ўша бўлимда жойлашган. Бу бўлимини “ўлим қаноти” ҳам деб аташади. Бомдод намозини ўқиш ва азон айтиш ички тартибни бузганлик ҳисобланиб маҳқумни 10-15 сутка муддатни ШИЗО бўлимида ўтказишига асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун бирон-бир биродар йўкки, ШИЗО бўлимига тушиб чиқмаган бўлса.

ШИЗО бўлими Самара бўлимининг ертўла қисмида жойлашган бўлиб, бу бўлимдан кишин-ёзин сув аримайди. Ҳаттоки йўлакни назорат қилувчи ходимлар ҳам йўлак бўйлаб ғиштларни тахлаб чиқишади ва ана шу ғиштлар устида ҳаракатланишади. Камера бир кишига мўлжалланган бўлиб, катталиги 2x1 метрдир. Туйнук 50смx50см бўлиб, панжарадан бошқа ҳеч нарса йўқ. Қиш кунлари ташқарида қанчали совуқ бўлса камера ичи ичкарисидаги зах ва намгарчилик ҳисоби билан унданда совуқ бўлади. Ана шу совуқ ҳолатда маҳқумдан эрталаб соат 5 да тўшак ва устки кийим бўлган бушлат олиб қўйилади ва ётиш учун мўлжалланган кроват йиғиштириб, қўлфланиб қўйилади. Совуқ ва зах ҳолатда бир қўйлак ва шимда, ҳаттоки пайпоқ ҳам ечиб олинган ҳолда сақлаш ва маҳқумни кеч соат 22гача ана шу алфозда ўтиришга маҳқум қилинади. Мана шундай зулмлар маҳқумларнинг туберкулёз ва шу каби бошқа хавфли касалликларни орттириб олишларига етади ва мана шу касаллик эгасини аста-секин жисмонан йўқ бўлишига олиб келади.

Агар маҳқум ўз касаллиги билан вафот этса бу зиндон ходимларининг жиноий жавобгарликдан қутулиб қолишига қафолат бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун зиндон мулозимлари маҳқумларни аввал касал қилиб, кейинчалик йўқ қилиш услубини кенг қўллашади. Бунинг учун зиндоннинг ШИЗО бўлими ўлим қаноти бўлиб хизмат қилади.

(Давоми бор)

Абдус Сабур Андижоний

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Ўрхон Нодий Октошнинг кўзлари чакнардди: Менга қара, – деди Маҳматга, – бу фикр мендан чикди деб мактанма. Албатта, Ўрхон, – деди Маҳмат, – сен бошламасайдинг, биз на Тошкентга кетардик, на-да Ўғуз билан танишардик. Демак, мен ҳам Ўғузнинг мақоласини қиркиб, Салимга юбормасдим. . . Маҳмат бу билан “Тушлар ўлкаси” деб аталган истироҳат марказининг дунёга келишида Ўрхон Нодийнинг ҳам, Ўғузнинг ва ўзининг ҳам маълум хиссаси борлигига имо қилди. 2000 йилининг 21 марти эди. Улар олти йил аввал қурилиши бошланиб, бугун халққа топширилаётган “Тушлар ўлкаси”нинг очилиш маросимида, ҳашаматли ложада ўтиришарди. Сивирхисор этақларида, Афйўн-Эскишаҳар-Кўнё йўли кесишган жойда катта истироҳат шаҳарчаси бино қилинганди. Сал нарида эса ховузлар, голф ва теннис майдонлари билан ўн бешта отел тикланганди. Ўрхон Нодийнинг рафикаси Жонон хонимнинг ёнида ўтирган Ўғуз рўпарадаги ложада ўтирган давлат раҳбарларига қаради. Туркия, Озорбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Шимолий Кибрис (Кипр) турк жумҳуриятларининг Президенти ёнида ўтиришарди. Фақат Ўзбекистон Президенти йўқ эди, тез келиб қолиши мумкин дейишарди. Аслида, бир ҳафтадан бери Ўзбекистондан ҳар хил хабарлар келиб турганди. Ўзбекистон Президенти ўлкани тарк этди, деганлар ҳам бор эди. Бу нотинчлик Гулнорни жуда қийнади. Аммо юзи, яшил кўзлари куларди. Бугун унинг иккинчи орзуси ушалаётганди. Ёнида 5 ёшга қираётган Гунхон исмли ўғли ўтирарди. Ундан нарида Анвар Мурод ва рафикаси ўтиришарди. Ўзбекистондаги нотинчлик туфайли Анвар Муроднинг Туркияга келишига ҳеч ким қаршилик қилмаганди. Камол Эркин ва Шариф Жамол ҳам шу ерда эдилар. Шариф оғзини каттайтириб Камолга бир нарсаларни тушунтирарди. Комил хўжанинг сочлари анча оқариб қолганди. Сигарет чекагани учун асабийланарди. Кичик Гунхонни қўлига олиб, гаплаша бошлади. Тургут Дениз ҳам сигаретсизликдан қийналарди. –Бунақаси кетмайди, Комил оғабей, – деди Тургут, – ҳамма нарса яхши ўйланган, аммо сигарет чекадиганларни ўйлашмабди. Сигарет чекилмаган ерда қандай “Тушлар ўлкаси” бўлади? –Бўлади, Тургут, бўлади, биз сен билан тушларимизни сигарет тутунидан ижод қиламиз, Ўғуз каби ёшлар тушларини ҳақиқатга айлантиришади, – деди Комил бей. Ўғуз бу сўзлардан гурурланди, аммо юзида ҳеч нарса акс этмади. Ойдон Ори маросимга ол рангли кўйлак кийганди. Оқ ва овал юзи, оқ қўллари худди байроқ ичида эди. Эри полковник Илкер Думон расмий форма кийганди. Тунж кўкракли аскар эди худди. Али Моҳир ва одамлари маросимни турли нуқталардан кинога оларди. Ойша Қилич хўжа, Дугон Гўкман ва рафикаси ёнма-ён ўтиришарди. –Хўжам, Ўркун билан Идилни ҳам олиб келмабсиз, – деди Нихол Гўкман хоним.

ГУЛНОР (РОМАН)

–Улар ҳали ёш, келиб кўришга улгуради, – деди Ойша хўжа. Гунаш Эрийгит Суодга: –1967 йилда “Диснейланд”ни кўргандан бери шундай истироҳат марказини хаёл қилгандим. Тўғриси, Туркияда унинг кўрилишини тасаввур қилолмасдим, – деди. Суод Сарварўгли: –Тўғри айтасиз хўжа хоним, бу хаёлимизни ҳам ошиб тушди, – деди. Суоднинг рафикаси Гулсаран гапга аралашди: –Биласан, Гунаш, Суод “Диснейланд”ни кўрди, аммо мен ёнида эмасдим, – деди. –Дисней ўлкаси бизга нимага керак? – деди Суод, – сенга, мана, “Тушлар ўлкаси”ни кўрсатайман! Сўнар Ойдамир: –Суод, Гулсаранни Америкага олиб бормадим, деб кўяқолмайсанми?, – деди. –Сен ҳам мени олиб бормадинг-ку, – деди Ойдамарнинг хотини Хайрия. Сомий Ошқин, икки Иброҳим, Зивар Дўнмас ва уларнинг хотинлари ҳам ложада эди. Бахтиёр Ваҳобзода, Боймирза Хайит, Исмоил Елмонли, Хайдар Саидзода, Шомил Алиев ва Мурод Маҳдиев ҳам шу ерда эдилар. Бу ложада ўтирганлар Салим Бойжоннинг фахрий кўноқлари эди. Улар бир ҳафтадан бери “Тушлар ўлкаси”да эдилар, марказ фақат улар учун ишлаб турарди. “Тушлар ўлкаси”нинг кўчаларида бир нечта Насриддин Хўжа айланган юришарди. Бектоший боболар ҳам ўтган-кетган билан ҳазиллашиб, одамларни кулдиради. Дарахтлар остида Кўркут ота либосини кийган созандалар қўбизлари билан “Кўркут” куйини чалишарди. Сувлар устидан ўтаркан, қутилмаганда икки тарафга айридиб кетадиган кўприклар ҳам бор эди. Йўловчилар пастга йиқилиб кетмаслик учун орқага чекиларди, лекин бирдан Хизир пайдо бўлиб, уларнинг қўлидан тутар ва нариги қирғоққа ўтказиб кўярди. Аслида, кўзга кўринмаган механизмлар кўприкни бирлаштириб кўярди. Баъзан учар гиламлар пайдо бўлиб, унинг учувчиси гўзал киз болаларни гиламга ўтказар ва яна ҳаволанарди. Булар “Тушлар ўлкаси”нинг пулсиз, текин бўлимлари эди холос. Кенг майдонга ёйилган, пул тўлаб кириш мумкин бўлган бўлимларда ақл бовар қилмас мўъжизалар намоиш қилинарди. Масалан, кўқдан гуриллаб келган сас: –Мен, Билги ҳокон!, – дерди юракларга кўркув солиб. Кейин мовий нур Култегин мангу тошини ойдинларди. Ички деворларида бўзқир жанглари томошабинлар олдида пайдо бўларди. Кейин, иккинчи бўлимда 360 даражалик кино экранда саф тортган университет талабалари пайдо бўларди. Бошлари тик, кўкраклари керилган ёш йигит-қизлар. Мустафо Камолнинг нуқти эшитиларди: Турк миллати ишчандир, Турк миллати закийдир. Чанокқалъа мудофаасида аскарларга ўлим амри берарди ва дахшатли саҳналар фониди

Маҳмат Окифнинг шеъри жарангларди. Энг ҳаяжонли саҳналардан бири бўзқирга сел келгани эди. 40-50 тача томошабин тўртта от қўшилган арава шаклидаги бир воситага миндирилиб, бўзқирга чиқариларди. Бирдан ҳаво бузилиб, момақалдирак гулдурай бошлар, яшин чакнардди. Бир неча дақиқа ичида сел томошабинлар минган “арава”га бостириб келарди. Шу пайтда бир-бирининг қўлини тутган ўн йигит, ўн кўктурк селдан омон қолмоқ учун қояга қолишиб тургани кўринади. Ва бир овоз гуруллади кўқларда: –Бўз қоя, қўлингни чўз! Аммо сафдаги бешинчи кўктурк қўлини қўйиб юборади ва сафнинг ярми сел тўлқинлари ичида ғойиб бўлади. Метеор тошлари аро сузган фазо кемасига фақат ёшлар миана оладилар. Кемалар кўнадиган юлдузларнинг тортиш кучи жуда оз эди. Кемадан тушиб юрган йўловчиларнинг одимлари узун ва енгил бўларди. Маҳмат Эрийгит ва унинг дуствларини хайратга солган бўлим “Эргенакон” бўлими эди. Томошабинлар қор устидан юмалаб, муз жарга учишарди. У ердан қайиқлар билан сув оқишига қарши юриб, Эргенаконга чиқардилар. Эргенакон темир ва мис рангли тоғлар билан ўралган яшил майдон эди. Фахрий кўноқлар бутун бўлимларни бир ҳафта ичида кезиб улгургандилар. Олти ўлканинг миллий марши чалинди. Мингларча меҳмонлар оёқда туриб тинглашди. Кейин тўққиз марта тўп оғилди. Олти давлатнинг олти Президенти ўрнидан туриб, темирчининг босқонига яқинлашдилар. Катта болгаларни олиб, навбатма-навбат чўғ бўлиб ёнаётган темирга урдилар. Кейин уларнинг қаршида турган баҳайбат темир дарвоза очилди. У очиларкан, бўзқир мусиқаси чалинди, майдон жаранглади. Оломон “Тушлар ўлкаси”нинг очилган дарвозаси томон оқди. Мингларча одам “Тушлар ўлкаси”га қира бошлади. Салим Бейжон бу манзарани сайр этаркан, кўзларидан икки томчи ёш оқди. Туркия Жумҳуриятининг президенти Салим Бейжоннинг ёнига келди. Қўлини қисди, нималардир деди. Кейин биргаликда фахрий кўноқлар ложаси томон юришди. Президент Боймирза Хайит ёнида тўхтади: –Қалайсиз, Хайит бей, – деди унга. –Ташаккур, мухтарам Президентим, – деди Боймирза бей овози титраб. Президент Анвар Муроднинг қўлини қисиб: –Эртага соат ўнда сиз билан бир кўришайлик, – деди. –Хўп бўлади, – деди Анвар Мурод. Президент ҳаммага қўл силкиб, саломлади. Маҳмат Эрийгит қоқилиб кетди, йиқилмаслик учун Гунашхонимнинг қўлидан тутди. Шариф Жамол оғзи каттайиб, кулди. Қомил Эркин, Мандоки кўнғирни ёслади. Ўғуз ўғли Гунхонни кўтариб, ўйнади. Гулнор яшил кўзлари билан кулимсиради. Бу кулимсираган кўзлар Али Моҳирнинг камерасида мухрланди.

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Аччиқ қовун барглири майдаланиб, йиринглашган шишларга сурилади, усти ёғли қоғоз билан ёпилса ва 5-6 соат қутилса, шишларни кетказади. Газакларга (шишларга) сурилса, уларни кичрайтиради. Теригадоги доғларни кетказади, фалаж ва юз фалажига фойда беради.

Қуритилган ва туйилган аччиқ қовун томири, арпа ёки жавдар уни билан суяқ хамир қилинади. Бу хамир бўғинлар ва кўкракдаги шишларга сурилади, усти ёғли қоғоз билан ёпилиб, 12-24 соат ўраб қўйилади..

Аччиқ қовуннинг 100 гр қуруқ меваси олинди, 500 гр сув билан (200 гр сув + 300 гр табиий сирка қоришмаси билан янада таъсирли бўлади) паст оловда 15 дақиқа қайнатилади ва озгина совутилиб, сузилади. Сўнг шу сув билан бир мато хўлланиб, оғриган бўғинларга қўйилади ва 4-5 соат қутилади.

Аччиқ қовун сувининг сув ёки сут билан яримга-ярим қоришмаси ҳовучга солиниб, бошни олдинга эгиб, бурунга тортилади; 3-4 сония ушлаб туриб, кейин ташлаш керак. Ярим соат – 4 соат кейин кучли акса уриши ва бурун отади бошланади, 1-3 кун давом этади. Бу сурункали бош оғриғи, мигрен, синусит, мия томирларидаги тикилишларни ва тузларни, тери ва кўздаги сариқликни кетказади.

Аччиқ қовун миқдори кишининг мизожига қараб ўзгаради. Қон гуруҳи “0” ва “В” бўлганлар аччиқ қовунга кучли реакция беришади. Улар аччиқ қовун сувининг сув ёки сут билан яримга-ярим қоришимини истеъмол қилишлари мумкин.

Оқиш бошланиб, етарли миқдорда бўлмаса, 2/3 аччиқ қовун суви + 1/3 сув аралашмаси, агар бу ҳам етмаса, 3/4 аччиқ қовун суви + 1/4 сув аралашмасини истеъмол қилиш мумкин.

Қон гуруҳи “А” бўлганларнинг мизожига аччиқ қовунга тўғри келади. Шу сабабдан улар аввал 3/4 аччиқ қовун суви + 1/4 сув аралашмасини, кейин соф аччиқ қовун сувидан фойдаланишлари мумкин.

Қон гуруҳи “АВ” бўлганларга эса ҳар хил реакция беради. Бунга барҳам бериш учун улар аччиқ қовун миқдорини бир неча марта текшириб, босқичма-босқич равишда кўтариб боришлари керак. Энг кам дозадан (1/3 аччиқ қовун суви + 2/3 сув) бошлаб, бир-икки кун танаффус билан таъсир қилувчи доза (меъёрни) топгунча тажрибада давом этишади. Тажрибалар ораси мутлақо 1-2 кун бўлиши керак.

2 ош қошиқ газанда уруғи + 1 ош қошиқ хантал уруғи туйилади. 2 қошиқ янги сиқилган қовун суви + 200 гр асал билан яхшилаб аралаштирилади. Кунда 2-3 марта 1 чой қошиғидан ейилади. У яхшигина балғам кўчирувчи бўлиб, ўпкаларни тозалайди.

Аччиқ қовун барги суви сузигичдан сузилиб ёки 1/3 қовун суви + 2/3 сув аралашмаси 1-2 томчидан кулоқларга томизилади. Кулоқларни тозалаб, оғриғини кетказади.

1 чой қошиқ аччиқ қовун суви + 1 чой қошиқ асал + 2 чой қошиқ зайтун ёғи аралашмаси, томоқ бодомсимон безларига (гландаларга, ангиналарга) сурилади.

1 чой қошиқ туйилган седана + 2 чой қошиқ янги сиқилган аччиқ қовун суви + 1 чой қошиқ асал аралашмаси кичик латтага қўйилиб, ухладан аввал қанга (вагинага, бачадонга яқин жойга) қўйилади ва эрталабгача қутилади. Бу шаклда бачадон тозаланади, ундаги томирлар очилади. (Бу даво ҳомиладорларга тавсия қилинмайди!)

30 гр қуруқ ёки 100 гр янги қовун томири ингичка қилиб кесилади, 1 литр сув билан паст оловда 15 дақиқа қайнатилади ва сузилади. Сўнг бу сувдан 100 гр олинади, 200 гр асал шарбати билан аралаштириб, кун бўйи қултумлаб ичилади. 3 кун шундай қилинади. 3 кун танаффус қилиб, 3 кун яна ичилади. Бу жараён 3 марта такрорланади. 1 ойдан кейин айна танаффуслари билан такрорланади.

Ёки: Қуритилган ва туйилган аччиқ қовун томири, эрталаб ва кечкурун ½ чой қошиқ + 1 чой қошиқ асал аралашмаси ичилади ва бунга ич кетиши бошлангунича давом этилади. Ич кетиши тўхтаганидан кейин яна бошланади, жараён 3-7 марта такрорланади.

Талок касалликлари ва цирроз касаллигига фойда бериб, шишларни кетказади.

1 литр сув + 1 ош қошиқ асал + 1 ош қошиқ янги сиқилган қовун суви (қон гуруҳи “А” бўлганларга 2 қошиқ) + 1 ош қошиқ янги сиқилган янги занжабил + 2 ош қошиқ янги сиқилган селдир япроғи суви билан аралаштирилади. Қултумлаб, кун давомида ичилади. Сийдик ва хайзни кўпайтиради, буйрак ва жигарни тозалайди, балғамни кўчиради.

Аччиқ қовун суви оғриган бўғинларга ва ҳар қандай оғриган жойга сурилади. Шу тарзда кунда 6 дона (қон гуруҳи “А” бўлганлар 10 донагача) аччиқ қовун сувини ишлатиш мумкин. Оғрик бир онда камайд ва кетади.

Қусиш учун 1 чой қошиқ аччиқ қовун суви + 1 чой қошиқ зайтун ёғи аралашмасини тил тагига сурилади. Қусиш билан ошқозон тозаланади ва қувватланади.

Қусишни тўхтаатиш учун 1 ош қошиқ зайтун ёғи ёки лимон суви ичилади. 2/3 қошиқ зайтун ёғи, 1/3 қошиқ аччиқ қовун ёғи аралаштирилади. Бу ёғдан кулоққа 3-5 томчи томизилса, кулоқ оғрикларига ва шанғиллашига фойдали.

Умуртқани бошидан охиригача қоплайдиган даражада узун пахтали латта аччиқ қовун ёғига ботирилади.

Энсдан бошлаб думғазагача умуртқа устига ёпиштирилади. Устига ёғли қоғоз қопланиб, боғланади. Кейин сочик қўйилади, қалин кийим кийиб ётилади ва эрталабгача шундай қолади. Аччиқ қовун ёғи барча аъзоларга таъсир қилиб, чуқур тўқималардан токсинларни кўчириб, ич кетиши, сийдик, тер, бурун оқиши ёрдамида ташқарига чиқариб ташлайди. Ҳар қандай касалликларга, хусусан MS, фалаж, альцгеймер, ревматизм, умуртқа касалликларига қарши фойдаланилади.

Аччиқ қовун ёғини тайёрлаш: Пишган аччиқ қовун меваси кесиб олинади, уруғлари чиқарилади ва 3 қисмга бўлинади. Биринчиси, кастрюлга тигиз қилиб жойлаштирилади ва устини ёпадиган даражада зайтун ёғи кунжут ёғи қўйилади. Буғланиши тугагунча паст оловда қайнатилади. Ёғи сузилиб, яна кастрюлга қўйилади. Иккинчи кейин учинчи қисмлар шу ёғ ичига солиниб, айна жараён (айни ёғда) яна такрорланади (қайнатилади ва сузилади). Сўнг ёғ сузилиб, шиша идишларга солинади, оғзи ёпиб қўйилади ва зарур пайтда қўлланилади. *Огоҳлантириш:* Аччиқ қовун уруғи жуда заҳарли бўлгани учун ишлатилмайди. Аччиқ қовуннинг суви ички аъзолар учун яхшилаб сузилиб ишлатилади. Бир мартада 2 граммдан кўп қуритилган аччиқ қовун суви асалсиз олинса, ўлимгача олиб бориши мумкин. Қуритилиб, киём ҳолига келгандан кейин аччиқ қовун суви бир мартада 0,7 граммгача олиниши мумкин..

Арпабодиён *Pimpinella anisum*

Буйрак, қовуқ, бачадон, жигар ва талок қопламаларини очади; оғрикларни енгиллаштиради; хайз, сут ва сперма ишлаб чиқарилишини орттиради; қориннинг пастки қисмидаги оғрикларни ва танага теккан ҳар қандай заҳарнинг зарарини кесади. Газ чиқаришда таъсирли восита. Арпабодиён чойи бош оғриғи учун жуда фойдали. Кўриш қувватини оширади:

3 қошиқ туйилган арпабодиён 200 гр зайтун ёғи билан аралаштирилади, 7 кун сакланиб сузилади. Сузилган ёғ 1 томчи гул ёғи ёки саримсоқ ёғи билан аралаштирилиб, кулоқ касалликлари учун қўлланилади.

1 стакан сувга 1 чой қошиқ арпабодиён кўшилиб, 3-5 дақиқа қайнатилади ва сузилиб, кичик ютумлар билан ичилади.

1 ош қошиқ арпабодиён 1 стакан қайноқ сув билан аралаштириб, 1-1,5 соат дамлаб қўйилади.

Дамланганидан кейин иккига бўлиниб кунда 2 марта оч қоринга асал билан ичилади.

(Давоми кейинги бетда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Арпабодиёни асал билан ёки асалсиз 1 чой қошиғи миқдорда ейиш мумкин. Майдаланган арпабодиён таомлар устига сепилади.

Нон хаамирига арпабодиён аралаштирилса, нон ҳазмини енгиллаштиради.

2 ош қошиқ туйилган арпабодиён + 1 ош қошиқ туйилган сано + 2 ош қошиғи кашнич + 1 ош қошиқ қалампир + 1 бош майдаланган сармисок + 3-4 лимон суви + 150-200 гр зайтун ёғи аралаштирилиб, таомларга ёки нон устига сурилиб, истеъмол қилинади (сано ўрнига шамбала қўлласса бўлади). Ич қотишига ва ҳазмга фойдали. Арпабодиён учинчи даражали иситувчи ва қуритувчи бўлгани учун уни ҳар куни истеъмол қилиб бўлмайди. 1-2 ҳафталик курслар ҳолида ва ҳафтада 1-2 марта таомларда қўлланилади.

Нок *Pinus communis*

Кучли антимикробил ва сийдикни кўпайтирувчи хусусияти сабабли буйрак касалликларида қўлланилади. Ич қотишига фойда, ошқозонга қувват, юракка роҳат бериб, юрак тез уришини кетказди, қонни тозалайди, бурун оқишини кетказди, сўлак безларининг нормал ишлашини таъминлайди. Ёввойи нок боғ нокидан ҳам таъсирли бўлади.

Арпа *Hurdium vulgare*

Кайнатилган арпа суви сийдик пуфағи, буйрак ва сафро косаси оғриқларига, жигар, талоқ ва кўкрак касалликларига, бурун оқиши, ҳуснбузарларга, рахит, эгзема, садаф ва кичималарга фойда беради. Иссиқни туширади, балғамни кўчиради, ич кетишининг олдини олади.

Уруғли (пўстлоқли) арпа 3-4 соат сувга куттирилади, кейин шу сувда 1,5-2 соат қайнатилади ва сузилади. Арпа суви асал билан аралаштирилади ва она сутидан махрум қолган болага, қувватсиз қарияларга, жарроҳликдан чиққанларга берилади. Юқорида саналган касалликларга ва хусусан юрак касалликларига жуда фойдали. Арпа сомони ярим соат паст оловда қайнатилиб, ичилади ва чўмилаётганда ваннадаги сувга қўшилса, буйрак ва қовуқ тошларини туширади. Арпа ўрнига шу шаклда сули ҳам қўлланиши мумкин.

Арпани майдаланиб, илик сув билан аралаштирилади, 2-3 дақиқа қайнатилиб, занжабил, мускат ёки долчин билан асал қўшилади. Нонушта ёки кечки овқат пайти ейиш мумкин. Расули ақрам (с.а.в.) эланмаган арпа унидан тайёрланган нонни ер ва буни барча пайғамбарларнинг нони бўлганини айтар эдилар. Демак арпада катта ҳикмат бор.



Розмарин *Rosmarinus officinalis* (Қуштили)

Оғиз, томоқ, ошқозон, ичак, жигар ва сафро косаси инфекцияларига ва ҳатто Н.Рylogi инфекциясига, эгзема, юқори холестерин, ревматизм ва саратонга қарши кучли доридир. Қонашларни тўхтатади, ошқозон ва ичаклардаги газларни чиқариб юборади, ҳазмсизлик ва ошқозон ачишларини кетказди, соч тўкилишини тўхтатади. Хотира пастлиги, эпилепсия (тутканок), юракнинг тез уриши ва ҳолсизликка, бош оғриқлари, ишиас оғриқларига, юқори ва паст қон босимига қарши самарали восита. Бир чой қошиқ розмарин 150 гр қайноқ сув билан 15 дақиқа дамланганидан сўнг сузилади ва ичилади. Бу тарзда дамланган розмарин кунига 1-3 марта ичилади. 500 гр табиий олма ёки узум сиркаси 3 ош қошиқ майдаланган янги розмарин барглари билан ёки 2 ош қошиқ майдаланган қуруқ розмарин билан аралаштирилади ва шиша идишга солиниб, оғзи ёпилади. Ора-сира чайқалиб, 10 кун сақланади. 10 кундан кейин барглари олиниб, сузилади. Кунига бир марта 30 гр розмарин сирка 30 гр сув билан аралаштириб ичилади. Томир тикилишларига, юқори холестерин, эгзема, ҳайзнинг узок давом этишига фойда беради. Эгземали жойларга қайнатилиб, сув қўшилмасдан сурилади. Янги розмарин таомларнинг устига сепилиб ёки таомдан сўнг чайналиб истеъмол қилиниши мумкин. Ҳазмни қулайлаштиради, жигилдон қайнашини кетказди.

Қулупнай *Fragaria vesca*

Таркибида метаболизмнинг нормал ишлаши учун керакли моддалар, органик кислоталар ва кўп миқдорда витамин бўлган қулупнайнинг мўъжизавий хусусиятлари борлиги аниқланган. Қулупнайда бўқоқ, эски, яллиғланган ва ҳеч нарса билан даволаб бўлмаган эгземаларга, аллергия, ошқозон-ичак яралари, гемморой, ич қотиши ва кетиши, юқумли касалликлар, буйрак, жигар, юрак ва томир касалликларига шифо бор. Қулупнай камқонликка

қарши таъсирли доридир. Сийдикни ҳайдайди, ҳароратни туширади. Қулупнай ҳеч нарса билан аралаштирилмасдан ейилиши керак. Қулупнайнинг шифосидан фойдаланиш учун қулупнай мавсумида эргалабдан тушгача фақат қулупнай ейиш (1 кг гача) керак. Тушдан сўнг таом ейиш мумкин. Қулупнай билан бир кунда ширинлик ва оқ нон ейиш қатъян таъқиқланади. Ҳафтанинг икки кунини (масалан, душанба ва пайшанбани) фақатгина қулупнай билан ўтказиш фойдали. Қулупнай аллергиясини ҳам яна ўша қулупнай билан даволаш мумкин. Бунинг учун қулупнайни шакар, қаймоқ ёки бошқа мевалар билан арлаштирмасдан ейишнинг ўзи кифоя қилади. Мавсуми ўтгунича ҳар кун қулупнай ейиш фойдали. Мавсумида табиий қулупнай еганлар йил давомида касалликлардан омон бўлишади.

Диккат: Фақатгина табиий бўлган ва пишиш мавсумида тўпланган қулупнай ва тоғ қулупнайи дорилик хусусиятига эга.

Чимланган (янги униб чиққан) буғдой ва арпа

Маълум миқдордаги буғдой ёки арпа парчаланган буғдой ёки арпадан ажратилиб, ювилади ва хўлланади. 3 соат сувда турганидан кейин сузилиб, ейилади ва устига нам мато қопланади. Қоронғи ва илик ерга қўйилади. 24 соатдан сўнг буғдой (ёки арпа) уна бошлайди. Униб чиққан буғдой яхшилаб ювилади, асал билан бирга 1-3 ош қошиқ ейилади. Ҳеч нарса билан аралаштирмасдан таом ўрнига ейиш керак. Сочларнинг қувватланиши, кўпайиши, порлаши ва ўсишини таъминлайди. Ҳайзларни тартибга солади, тери рангини очади, ҳуснбузарларни йўқотади, сиқилишларни кетказди. Асаб касалликлари, ичак ва яраларга шифодир.

3-5 кун турганидан кейин яхшигина ўсган буғдой чимлари битмаган яралар учун малҳамдир. Униб чиққан буғдой чимлари билан биргаликда майдаланади, тоза бир матога жойлаштирилади ва яраларнинг устига қўйилади. Бу малҳам кунда 2 марта алмаштирилади. Энг эски ва чуқур яралар бўлса ҳам, қиска вақт ичида битиб кетади.

Ойдин СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан

(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош